3.500.000 тонна тайёр!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

21 октябрь 1972 йил шанба ✦ № 248 (15.419). ◆ Баҳоси 2 тийин.

МАЖБУРИЯТНИ БАЖАРИШ — ҚОНУН

Бугун пахта далаларига кўз ташлаган киши жўшқин меҳнатни кўради. Бу бежиз эмас. Халқимиз бир йиллик ишига якун ясаяпти, пешана тери билан етиштирилган пахтасини йиғиб-териб давлатга топшираяпти, эл-юрт олдидаги ваъдасини бажаряпти. Колхозимиз пахтакорлари ҳам юбилей йилида гектаридан 40 центнердан хирмон кўтариш мажбуриятини олганлар. Далалардаги ҳосил мажбуриятни ошириб бажариш имкониятини беради. Лекин ўша ҳосил чаноқларда турибди. Бутун куч ва терим машиналарини сафарбар этиб тезда саранжом-саришталаб олишимиз зарур.

Юбилей йилида гектаридан олинадиган ҳосилни 3,5 центнер кўтаришга қарор қилганмиз. Бу ҳам халқимиздан ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилишни, «оқ олтин»нинг бир граммини ҳам нобуд қилмасдан тезкорлик билан териб олишни тақозо этади.

Ҳозир ишимиз дуруст кетяпти. Теримчилар, механизаторларимизнинг ҳаммаси кунлик топшириқни ошириб бажаряпти. Масалан, Алижон Жалолов, Аҳад Акбаров, Абдураҳим Кўзиев каби механизаторларимиз машиналарнинг кунлик иш унумини 6-7 тоннага етказяпти. Назокат Деҳқонова, Анорхон Воҳидова, Ширмонхон Бозорова, Юлдузхон Тошпўлатова, Ибодатхон Алимова каби кўпминг килограммчи теримчиларимиз астойдил меҳнат қилиб, хирмонга қут-барака киритяпти.

Биз теримни бир меъёрда, ҳеч қандай қийинчиликларсиз ўтказамиз деган умидда эдик. Афсуски, баҳордаги каби кузда ҳам об-ҳаво инжиқлик қилди, ёғингарчиликлар бўлиб ўтди. Бундай кезда саросимага тушмаслик, ақл-заковат билан иш тутиш, тадбиркор бўлиш пахтакорларимизнинг бурчидир. Шуни назарда тутиш керакки, пахта тайёрлаш давлат плани ва социалистик мажбуриятларни бажариш—қонун. Ўз меҳнатимиз билан етиштирилган ҳосилни ўзимиз термасак, четдан биров келиб териб бермайди. Тўғри, шаҳар ва район марказларининг аҳолиси, студентлар, мактабларнинг ўқувчилари пахтакорларга ёрдамга келишди. Уларнинг унумли ишлашлари учун ҳамма шароитни яратиб беришимиз шарт. Айни кезда ўзимизнинг ички резервларимизни терим суръатини оширишга сафарбар этмоғимиз керак.

Шу кунларда теримчилар ва машиналар иш унумини ошириш жуда катта аҳамиятга эгадир. Теримчиларни ҳам, механизаторларни ҳам уч группага бўлиш мумкин. Биринчи группадагилар меҳнатда ўрнак кўрсатиб, кунлик графикни икки ҳиссага етказиб бажаряпти. Иккинчи группага мансуб кишилар эса фақат кунлик топшириқни бажариш билан чекланяпти. Кейингилар ҳамма имкониятлар бўла туриб ўз бурчини тўла ўтамаяпти. Биз иккинчи ва учинчи тоифага мансуб теримчилар ҳамда механизаторларни илғорлар даражасига етказиш чораларини кўряпмиз. Бу, кунлик пахта тайёрлашни кучайтиришда муҳим резервдир.

Терилган пахтани пешма-пеш тайёрлов пунктларига етказиб бериш—шу куннинг асосий вазифасидир. Пахта хирмонда тўпланиб қолса қўшимча қийинчиликлар туғилади, ортиқча меҳнат сарфлашга тўғри келади. Ёғингарчилик кунларида аҳвол айниқса мушкуллашади. Шуни ҳисобга олиб «дала—тележка — завод» методини кенг қўлламоқдамиз.

Дала меҳнатчиларининг унумли ишлашларини таъминлаш билан, бирга уларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари тўғрисида ҳам ғамхўрликни кучайтираяпмиз. Улар иссиқ овқат, қовун-тарвуз мевалар билан мунтазам таъминланяпти. Илғорлар саноат моллари ва пул билан мукофотланмоқда. Бугун илғорларимиз эришаётган муваффақиятни эртага ҳамманинг мулкига айлантириш чоралари кўрилаётир.

Пахта йиғим-терими ғоят мураккаб, қийин, лекин шарафли иш. Яна 15-20 кун астойдил ҳаракат қилсак, етиштирган ҳосилимизнинг ҳаммасини йиғиб-териб оламиз, давлат плани, социалистик мажбуриятимизни шараф билан бажарамиз. Бунинг учун уюшқоқлик, меҳнатсеварлик намуналарини кўрсатиш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиздир.

1972 йил—юбилей йили. Колхозимиз пахтакорлари гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариб, СССРнинг 50 йиллик тўйига муносиб тўёна тайёрлайдилар.

М. АБДУРАЗЗОҚОВ,
Фарғона область Қува районидаги Карл Маркс номли колхоз раиси.

ФАРҒОНА. Ленинград районидаги Оҳунбобоев номли колхозда йиғим-терим кун сайин авж олдирилмоқда. Суръат машина ҳисобига тезлаштирилаётир. Механизаторларнинг унумли ишлаётганлиги туфайли ҳар куни йиллик планнинг 4-5 проценти миқдорида пахта тайёрланмоқда. Суратларда: (юқоридан) машина терими пайти ва илғор механизатор Ю. Исомиддинов. А. Тўраев фотолари.

4.550 МИНГ ТОННА УЧУН

Ўзбекистон ССР областларида пахта тайёрлашнинг борши тўғрисида 1972 йил 20 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Шу жумладан машина терими: Бир кунда	Шу жумладан машина терими: Мавсум бошидан
ҚАШҚАДАРЁ	1,68	108,91	1,45	79,93
СИРДАРЁ	1,79	105,18	1,22	116,53
Андижон	1,42	90,97	3,52	101,63
Тошкент	1,67	90,74	1,44	97,88
Наманган	1,90	89,98	3,38	135,85
Фарғона	1,56	79,52	2,43	81,04
Сурхондарё	1,65	74,03	1,20	67,93
Бухоро	1,26	73,01	1,48	62,11
Самарқанд	1,93	54,55	2,82	48,52
Хоразм	1,60	53,78	1,92	34,53
ҚҚАССР	1,72	51,91	1,85	44,21
Республика бўйича	1,64	79,12	2,03	82,35
Шу жумладан мингчка толали пахта				
Қашқадарё	1,93	87,71		
Сурхондарё	1,64	57,23		
Бухоро	1,33	56,24		
Республика бўйича	1,76	68,11		

УЛУҒ ОКТЯБРГА ТУҲФАЛАР

КИРОВ

Фарғона область Киров районининг меҳнатчилари ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақани кенг авж олдириб, пахта тайёрлаш планини бажардилар. Трактор поездлари қабул пунктларига 52800 тонна «оқ олтин» элтиб берди, шундан 20000 тоннаси машиналарда терилди. «Москва», «Искра» колхозлари, «Бешариқ», «Октябрь 40 йиллиги», Киров номли совхозлар мажбурият ҳисобига пахта топшириқдалар.

Район деҳқонлари Ватанга яна 10200 тонна «оқ олтин» топшириш мажбуриятини олдилар.

ЖИЗЗАХ

Жиззах районининг пахтакорлари СССР ташкил этилганлигининг олтин юбилейини муносиб кутиб олиш учун бошланган мусобақада биринчи маррани эгалладилар. Улар Ватанга 42300 тонна «оқ олтин» топшириб, планни муддатидан аввал бажардилар. «Зангори кема»лар бункеридан 12900 тонна пахта тўкилди. Зарбдор вахтада «Коммунизм», Навоий номли, Ҳамид Олимжон номли, «Москва», Ленин номли, «Ўзбекистон» колхозларининг деҳқонлари айниқса яхши меҳнат қилмоқдалар.

Жиззах районининг меҳнатчилари юбилей шарафига Ўзбекистоннинг катта хирмонига 55 минг тонна пахта элтиб бериш мажбуриятини олганлар.

СИРДАРЁ

Сирдарё районининг пахтакорлари тайёрлов пунктларига 36700 тонна пахта топширдилар. Халқ хўжалик плани бажарилди. «Зангори кема»лар ёрдамида 25000 тонна пахта терилди. «Малик» совхозининг, «Ленинград» колхозининг меҳнатчилари айниқса яхши натижаларга эришдилар.

Район колхоз ва совхозлари суръатни асло бўшаштирмай 45000 тонналик хирмон яратиш учун қурашмоқдалар. 30000 тонна «оқ олтин»ни машинада теришга қарор берилди.

ЯНГИЕР

Янгиер районининг деҳқонлари муҳим маррага етиб олдилар. Давлатга 7507 тонна «оқ олтин» топширилди. Йиллик план бажарилди. Район хўжаликлари тайёрлаган пахтанинг ярмидан кўпроғи машинада терилди.

«Фарҳод», «Дружба» совхозлари юбилей шарафига олинган мажбурият ҳисобига пахта топшириқдалар.

Янгиерликлар плондан ташқари 1500 тонна пахта топшириш-га сўз берганлар.

КИТОБ

СССР ташкил этилганлигининг олтин юбилейи шарафига бошланган мусобақа туфайли Китоб райони меҳнатчилари дастлабки муваффақиятга эришдилар. Улар пахта тайёрлаш планини муддатидан аввал бажардилар—27000 тонна биринчи нав «оқ олтин» топширдилар. «Шаҳрисабз» совхозининг, К. Маркс номли, Навоий номли, «Шарқ юлдузи» колхозларининг пахтакорлари теримда фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Китоб районининг деҳқонлари юбилей йилида пахта хирмонини 40 минг тоннага етказишга қатъий аҳд қилганлар.

РАЙОНДА БИРИНЧИ

ТУЙТЕПА. Ўрта Чирчиқ районидаги «Партия XXII съезди» колхози пахтакорлари пахта тайёрлаш йиллик планини муддатидан илгари адо этдилар. Давлатга 2 минг тоннадан зиёд дурдона сотилди. Бу ғалабада Содиқ Йўлдошев, Лочин Кикинадзе ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг ҳиссаси баракали бўлди.

«Оқ олтин» миришкорлари ҳосилдорликни 35 центнерга етказиш учун терим суръатини кундан-кунга оширмоқдалар.

Ҳ. ИКРОМОВ.

ЛЕНИН ОРДЕНЛИ КОЛХОЗ ЗАФАРИ

ПОП, (**«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири**). Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Аҳмаджон Одилов раислик қилаётган Ленин номли колхоз пахтакорлари зафар қучди. Тайёрлов пунктларига 6.149 тонна пахта етказиб бериб, йиллик планни муддатидан илгари бажарди. Ҳар гектар ердан 35,1 центнердан хирмон кўтарилди. Ялпи пахтанинг 35 проценти машиналарда териб олинди.

Бу йил машина теримида кескин бурилиш ясалди. Ҳар бир машинанинг мавсумдаги иш унуми 150-200 тоннани ташкил этди. Ж. Мамадалиев, А. Эргашева, С. Гофуров каби механизация дарғалари шу кунгача 280-311 тоннага етказиб пахта тердилар.

Анорхон Эргашева бошлиқ бригада 210 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 52,5 центнердан хирмон кўтарди. Ҳосилнинг 90 проценти «зангори кема»ларда териб олинди.

Колхоз пахтакорлари ички имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, ялпи ҳосилдорликни гектар бошига 45 центнерга етказиш ҳақида қўшимча мажбурият олдилар.

МАШЪАЛ ХЎЖАЛИК РАПОРТИ

ЖИЗЗАХ, («Совет Ўзбекистони» махсус мухбиридан). СССРнинг 50 йиллигини муносиб тўёна билан кутиб олишга аҳд қилган Жиззах районидаги машъал хўжалик—Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Носиров раислик қилаётган «Москва» колхози йиллик пахта тайёрлаш планини бажарди. Кечаги кунгача давлат тайёрлов пунктларига салкам 8,5 минг тонна пахта етказиб берилди. Миришкор деҳқонлар ички имкониятларини ҳисоб-китоб қилиб кўриб яна 3500 тонна пахта тайёрлаш ҳақида оширилган мажбурият олдилар. Ялпи пахта миқдори 12 минг тоннага етказилади.

Ҳосилнинг катта қисми машиналарда териб олинди. Механик-ҳайдовчи Олим Ҳамроқулов 300 тонна пахта терди.

Колхознинг миришкор деҳқонлари пахта тайёрлашни қизғин давом эттирмоқдалар.

ХУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш халқ хўжалиги планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар республика «Хурмат Тахтаси»га ёзиладилар.

Киров райони (район партия комитетининг секретари **Бегматов**, район ижроия комитетининг раиси **Саидов**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи **Ҳайдаров**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси **Борисов**, район комсомол комитетининг секретари **Турғунов** ўртоқлар).

Китоб райони (район партия комитетининг секретари **Чориев**, район ижроия комитетининг раиси **Жонқулов**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи **Пўлатов**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси **Мансуров**, район комсомол комитетининг секретари **Эгамова** ўртоқлар).

Жиззах райони (район партия комитетининг секретари **Исломов**, район ижроия комитетининг раиси **Нормуродов**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи **Носиров**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси **Муҳаммадиев**, район комсомол комитетининг секретари **Аҳмедов** ўртоқлар).

Янгиер райони (район партия комитетининг секретари **Жеберин**, район ижроия комитетининг раиси **Жумаев**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи **Султонов**, район комсомол комитетининг секретари **Маҳмудов** ўртоқлар).

Сирдарё райони (район партия комитетининг секретари **Каримов**, район ижроия комитетининг раиси **Хўжаев**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи **Мирқурбонов**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси **Ким**, район комсомол комитетининг секретари **Оқилов** ўртоқлар).

Н. В. ПОРГОРНИЙ ЛОРЕНСО ФЕРНАНДЕСНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний совет дўстлик жамиятлари союзининг таклифига биноан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Венесуэланинг таниқли давлат ва сиёсий арбоби Лоренсо Фернандес билан унинг ҳамроҳларини 20 октябрь куни Кремлда қабул қилди.

Бўлиб ўтган самимий, дўстона суҳбат чоғида Совет — Венесуэла муносабатларини ривожлантириш масалалари устида гап бўлди.

(ТАСС).

ВАРШАВА ШАРТНОМАСИДА ҚАТНАШУВЧИ ДАВЛАТЛАРНИНГ БИРЛАШГАН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИДА

Бирлашган Қуролли Кучлар қўмондонлиги планига мувофиқ 17 октябрдан 20 октябргача Совет Иттифоқида (Минск шаҳрида) Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Бирлашган Қуролли Кучларининг Бош қўмондони Совет Иттифоқи Маршали И. И. Якубовский раҳбарлигида Бирлашган Қуролли Кучлар ҳарбий кенгашининг навбатдаги мажлиси ва Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар армиялари раҳбар составининг кенгаши ўтказилди.

Мажлис ва кенгаш вақтида Бирлашган Қуролли Кучларни оператив ва жанговар тайёрлаш 1972 йилги тадбирларининг бажарилиши якунлари чиқарилди ва 1973 йилги вазифалар муҳокама қилинди. Ҳамма томонларни қизиқтирувчи баъзи бир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ҳарбий кенгаш мажлиси ва иттифоқдош армиялар раҳбар составининг кенгаши дўстона вазиятда, барча қатнашчиларнинг ҳамжиҳатлиги руҳида ўтди.

Ҳарбий кенгаш аъзолари, Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар армияларининг генераллари, адмираллари ва офицерлари Совет Армияси қисмларининг тактик машқлари ва машғулотларида ҳозир бўлдилар.

Бирлашган Қуролли Кучлар Бош қўмондони Совет Иттифоқи Маршали И. И. Якубовский ва ҳарбий кенгаш аъзолари Белоруссия Компартияси Марказий Комитети қабулида бўлдилар ва суҳбат қилдилар. Суҳбат самимий, дўстона вазиятда ўтди.

ОЛТОЙ ДЕҲҚОНЛАРИНИНГ МЕҲНАТДАГИ КАТТА ҒАЛАБАСИ

ОЛТОЙ ЎЛКАСИДАГИ совхозларнинг ишчилари, колхозчилар, механизаторлар ва қишлоқ хўжалик мутахассислари партия XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигини муносиб кутиб олишга ҳозирлик кўриб, мураккаб об-ҳаво шароитида оммавий меҳнат қаҳрамонлиги кўрсатдилар, бу йил дон экинларидан мўл ҳосил етиштирдилар, ҳосил ўримини уюшқоқлик билан ўтказдилар, дон етиштиришни кўпайтириш ва давлатга сотиш юзасидан ўз зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларини муваффақиятли равишда бажардилар.

Ватан омборларига беш миллион саксон минг тонна ёки 310 миллион пуд ғалла топширилди. Ўлка бу қадар кўп миқдордаги ғаллани давлатга биринчи марта сотди. Буғдой, ёрмабоп донлар, ем ва дуккакли дон тайёрлаш плани анча ошириб бажарилди. Дон сотиш давом этмоқда.

Олтой саноат корхоналари ва транспорт ташкилотларининг коллективлари, комсомоллар, студент ёшлар, Краснодар ўлкасидан, Волгоград, Горький, Кемерово, Куйбишев, Липецк, Саратов ва бошқа областлардан келган шоферлар, комбайнчилар, Совет Армиясининг жангчилари ҳосилни ўриб олишда ва дон ташишда актив ёрдам бердилар.

Совхозлар билан колхозлар келгуси йилда экиладиган уруғликни етарли миқдорда ғамлаб олдилар, зарур миқдорда озиқ-овқат ва ем фондларини вужудга келтирдилар, чорва қишловини уюшқоқлик билан ўтказишга ҳозирлик кўрмоқдалар, 1973 йилда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун қўшимча резервларни ишга солмоқдалар.

Олтой деҳқонларининг меҳнатдаги катта ғалабаси — ғаллазорда меҳнат қилаётган барча кишиларнинг коллектив шижоати, ўлка партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари, қишлоқ хўжалик ва тайёрлов органлари ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишининг савияси ошганлиги натижаси бўлди.

Ленин тили — улуғ тил

Осиё, Африка мамлакатларида, Яқин Шарқда ва Ўрта Шарқда рус тилини ўқитишнинг антуал проблемалари юзасидан халқаро симпозиум икки кундан бери Ўзбекистон пойтахтида ўз ишини давом эттирмоқда. Докладчилар ва сўзга чиққан нотиқлар планетамизда рус тилининг тарқалиши жаҳонда биринчи Советлар мамлакати ташкил этилганидан бери амалга оширилган жуда катта социалистик ўзгартишларни яхши билиб олишга ёрдам беришини таъкидлаб ўтдилар.

20 октябрда симпозиумда секциялар ўз ишини бошлади. Совет олимларидан ташқари уларнинг Ҳиндистондан, Вьетнам Демократик Республикаси, Монголия, Миср Араб Республикаси, Кипр, Индонезия, Сурия Араб Республикаси, Мали ва бошқа чет давлатлардан келган ҳамкасблари секцияларда сўзга чиқдилар.

Е. М. Вершагин ва В. Г. Костомаров (СССР) ўз докладларини Совет Иттифоқининг тарихи ва ривожланиши ҳақида, унинг фан ва техникаси, маданияти ва турмуши тўғрисида, совет кишиларининг ранг-баранг ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилувчи махсус фан—СССР мамлакатшунослиги курсини яратиш проблемаларига бағишладилар. Докладчилар турли мамлакатлар учун мақбул бўлган кўргазмали қуроллар, ўқитишнинг техника воситаларидан фойдаланиш методикаси ва синфдан ташқари машғулотлар учун материаллар билан таъминланган бундай типовой дарсликнинг яратилиши муҳим антуал вазифа эканлигини уқтириб ўтдилар. Чет элларда рус тилини ўрганиш ҳозирнинг ўзидаёқ мамлакатимизнинг муваффақиятлари ҳақида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабалари тўғрисида батафсил ҳикоя қилишнинг қудратли воситаси бўлиб қолган.

СССРда техника тараққиётини рус тили ёрдамида пропаганда қилиш тўғрисида Деҳлидаги Жавоҳарлал Неру номидаги университет рус тили марказининг директори Р. М. Банай доклад қилди. Жаҳондаги кўпгина мамлакатларда, деди докладчи, рус тили техника олий ўқув юртларида ўқитилмоқда. Рус тили бу институтларнинг студентларига рус илмий-техника адабиётини ўқиш ва тушуниш учун ҳам зарурдир. Шу туфайли бу проблема айниқса муҳимдир.

Симпозиумнинг бешта секцияси мажлисларида докладчилар ва нотиқлар Осиё, Африка мамлакатларида, Ўрта ва Яқин Шарқда рус тилини ўқитишнинг бошқа кўпгина антуал проблемалари ҳам қараб чиқилди. Олимлар иш тажрибаларини ўртоқлашдилар.

(ЎзТАГ).

ЖАНГОВАР ВАЗИФАМИЗ

Ҳар куни кечда пахта штабининг аъзолари район партия комитетида тўпланишади. Бу одат бўлиб қолган. Кенгашда штаб аъзолари бир кунда қилинган иш ҳақида ахборот беришади. Имкониятлар, камчиликлар чуқур таҳлил қилинади.

— 415 та машинадан 400 таси ишлади. Бир кунда 1400 тонна пахта терилди, — дейди штаб аъзоси район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бош инженери Вилданов.

Кўплар қўлидаги дафтарчадан кўз узиб инженерга қарашади. Штаб бошлиғи Жўрабой Ашуров синчковлик билан сўрайди.

— Демак ҳар бир машина билан 3,5 тоннадан пахта терилибди. Бу оз. Бунинг устига 15 машина кам. Нега?

Инженер Вилданов 15 та терим агрегатини эртага ишга туширш учун кўрилган тадбирлар ҳақида сўзлаб беради: «Ўзсельхозтехника»нинг кўчма устахонаси бузилган машиналарни тузатишга юборилди.

Штаб аъзоси, район партия комитетининг бўлим мудири Лолахон Набихўжаевага навбат келади. Лолахон оммавий-сиёсий ишларга жавобгар. Агитаторлар, сиёсий ахборотчи ва пропагандистларнинг ишидан кўз-қулоқ бўлиб туради. Дала шийпонлари яхши ишлаяптими, теримчиларга ва механизаторларга яхши ҳордиқ чиқариш учун шароит яратилганми, суҳбатларнинг савияси қандай бўляпти — бўлим мудири эртаю-кеч мана шулар ҳақида ташвишланади. Район партия комитетининг штатсиз лекторлари, «Билим» жамияти аъзолари, бошланғич партия ташкилоти қошидаги агитколлектив ва агитбригадалар ҳозир пахтазорга, теримчилар ҳузурига сафарбар қилинган. Оммавий-сиёсий ишлар жангчилари яхши ташаббус бошлашди: ўзлари иш олиб борадиган бригадаларда теримчилар билан ёнма-ён туриб пахта теришади, «зангори кема» рулига ўтириб бункер-бункер «оқ олтин» тўкишади, амалда бошқаларга ибрат кўрсатиб, сўнг дам олиш соатларида суҳбатлар уюштиришади. Дала шийпонларида деворий газеталар ва «жанговар варақа»лар чиқариш, колхоз ва совхоз радиоузели орқали илғорлар тажрибасини кенг ёйиш ҳам ана шу кишилар зиммасида.

Район ижроия комитети раисининг ўринбосари Юсуф Йўлдошев, район матлубот союзи правлениесининг раиси Мунир Заугадзе ўртоқлар ҳам штаб аъзолари. Улар даланинг ўзида колхозчи ва совхоз ишчиларига маданий ва маиший хизмат кўрсатишга раҳбарлик қилишади. Район матлубот жамиятининг ташаббуси билан ўнлаб кўчма дўконлар ташкил қилинди. Бу дўконларда энг муҳим истеъмол моллари бор. Теримчилар тўшки дам олиш пайтида дала шийпонига келиб кўчма дўконлардан ўзлари учун зарур бўлган буюмларни харид қилишади. Шийпонларда кўчма сартарошхона, этикдўзлик дўконлари ҳам ташкил қилинди. Буларнинг ҳаммаси кишиларни янада унумли меҳнат қилишга рағбатлантирмоқда.

Районимиз пахтакорлари СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллик юбилейи шарафига ҳар гектар ердан 25 центнердан «оқ олтин» сотишга қарор қилишган. Партия ташкилотлари, барча коммунистлар улкан «оқ олтин» хирмони учун курашнинг олдинги сафларида бормоқдалар. 1650 коммунистнинг 80 проценти йиғим-теримга сафарбар қилинган. Улар теримчилар, механик-ҳайдовчилар ва пахтани қоп-қанорсиз ташиётган механизаторлардир. Ўнлаб коммунист механик-ҳайдовчилар мавсумда 500-700 тоннадан пахта териш мажбуриятини олишган. «Коммунизм» колхозининг раиси, Ленин мукофоти лауреати Жавод Кўчиев ҳам бу йил «зангори кема» рулига ўтирди. Илғор хўжаликка дарғалик қилаётган бу ажойиб пахта устаси шу кунгача 460 тоннадан ортиқ ҳосилни бункердан тўкди.

Жавод Кўчиев ранслик қилаётган колхоз 1100 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олган эди. Мамлакатимиздаги барча пахтакор республикалар партия-хўжалик активи йиғилишидан сўнг колхоз аъзолари ўз имкониятларини қайта ҳисоб-китоб қилиб, ҳосилдорликни 35 центнерга етказишга қарор қилишди. Хўжалик аъзолари пахта тайёрлаш плани бажарилганлиги ҳақида ғалаба рапортига имзо чекишди. Ҳар гектар ердан 20,3 центнердан фақат биринчи сортли «оқ олтин» сотилди. Ҳозир колхоз мажбурият ҳисобига пахта топширяпти. Ҳосилнинг ҳаммаси машиналар билан териб олинмоқда. 24 та икки қаторли «17-ХВ» ва битта «Ўзбекистон» маркали тўрт қаторли агрегатлар туну-кун пахтазорда сузиб юрибди. Колхоз партия ташкилоти ва правлениеси терим машиналарининг иш унумдорлигини ошириш, механизатор кадрларга яхши шароит яратиб бериш учун ҳамма имкониятлардан фойдаланмоқда. Кунига ҳар бир машина билан ўртача 5 тоннадан пахта теришга эришилмоқда. 50 механизаторлардир 12 таси коммунистлардир. Механизация шарофати туфайли бригадалар биринкетин мажбурият бажарилгани ҳақида рапорт бермоқдалар. Коммунист Тамал Гасанов ва Шароф Шарофиддинов бошлиқ бригадалар 35 центнерлик мажбуриятни ҳам бажариш арафасида туришибди.

Механизацияга суяниб ҳар куни йиллик планнинг 3-4 процент миқдорида «оқ олтин» топшираётган бундай хўжаликлар районимизда кўп. Карл Маркс номли, «Октябрь», Фрунзе номли, «Ленинград» колхозларида ҳам ҳосилнинг ҳаммаси механизмлар воситасида йиғиб-териб олинмоқда. Коммунистлар иш боши бўляптилар. «Коммунизм» колхозидан Анвар Иброҳимов, Карл Маркс номли колхоздан Шариф Нурманбетов каби механизаторларнинг ҳар бири шу кунгача 300-350 тоннадан «оқ олтин» териб топширди. «Октябрь» колхозининг 200 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирган комплекс механизациялашган бригадаси бошлиғи Жаббор Огалиев 450 тонна пахта терди. «Коммуна» колхозининг бригада бошлиғи Саодат Тоштемирова ҳам кунига 10-15 тоннадан «оқ олтин» териб тўкяпти. Юраги пахта ишқи билан ёнаётган бундай шербилак заршунослар районимизда кўп.

Район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари уларнинг сафини янада кенгайтириш, ташаббускорлар қаторига янгидан-янги кишиларнинг кириб келиши учун кураш олиб бормоқда. Чунки дала гвардиячилари бўлган механизаторларимиз бизнинг суянган кишиларимиз — норларимиздир. Халқимиз «қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди» деганидек, мўл «оқ олтин»имиз ерда қолмайди. Планлар ҳам, олинган юксак мажбуриятлар ҳам албатта ошириб бажарилади. Гулистон пахтаси СССРнинг олтин тўйнига муносиб армуғон бўлади.

Б. ПИРНАЗАРОВ,
Гулистон район партия комитетининг биринчи секретари.

Тошкент подшипник заводининг меҳнатсевар коллективи олтин юбилейга муносиб армуғон ҳозирлаш мақсадида жонкуярлик билан тер тўкаётирлар. Суратларда: (юқоридан) цех бошлиғи Ҳ. Абдураҳимов, мастер В. Швецких ва 15 йилдан бери шу корхонада меҳнат қилиб келаётган илғор ишчи П. Коложникова. Ж. Тўраев фотолари.

ХУШ ХАБАРЛАР

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

КАРМАНА ГИДРОУЗЕЛИ

Зарафшон дарёсининг иккі ирмоғи қўшилган ерда Кармана гидроузели қад ростлаяпти. Гидроузел Бухоро ва Самарқанд областидаги ўзлаштириладиган 29 минг гектар янги ерни сув билан таъминлаш, 36 минг гектар экин майдонида эса сув таъминотини яхшилаш имконини беради. Э. Курбонов бошлиқ бетончилар бригадаси коллективи шу кунгача гидроузел қурилишига 10 минг куб метр бетон ёткизишди.

Меҳнатсевар бунёдкорлар ойлик топшириқларни ҳамиша 120-130 процент адо этмоқдалар.

Ҳ. ОЧИЛОВ,
Навоий райони.

1974 ЙИЛ ҲИСОБИГА

Бухоро шаҳридаги пиллакашлик фабрикасининг ишчи, инженер-техник ходимлари СССРнинг 50 йиллик юбилейи шарафига бошланган умумхалқ мусобақасига қўшилиб, яхши натижаларга эришмоқдалар.

Фабрикада 9 ойлик маҳсулот ишлаб чиқариш плани ошириб адо этилди.

Фабрикада 25 йилдан буён меҳнат қилаётган ишлаб чиқариш новатори ўртоқ С. Тошпўлатов бошлиқ 4-цех коллективи корхона партия комитети, насаба союз комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга сазовор бўлди. Цех илғорларидан Солиҳа Икромова, Виктор Болотовский ўртоқлар ҳозир 1974 йил ҳисобига, М. Алимова, Анна Мехлин ўртоқлар эса 1973 йил ҳисобига ишламоқдалар.

Фабрика Самарқанд, Чоржўйдаги пиллакашлик фабрикалари билан мусобақа шартномаси тузган эди. Йилнинг учала кварталида ҳам бухоролик пиллакашлар мусобақа шартларини тўла адо этиб, ғолиб чиқдилар.

Фабрика коллективи юбилей йилида пландан ташқари 200 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилган. Бу, уларнинг олтин тўйга муносиб совғаси бўлади.

А. НАБИХУЖАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири.
Т. НАЗИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ АМАЛДА

МАНФААТДОРЛИК ОШГАЧ...

Бекобод цементчилари СССР ташкил топган кунининг 50 йиллиги шарафига вахтада туриб меҳнат қилаётирлар. Улар юбилей йилининг олти ойида пландан ташқари 7600 тонна цемент, 83 шартли километр қувур, 52 минг шартли шифер плиталари ишлаб чиқаришди. Тўққиз ойлик план ҳам ошириб адо этилди. Меҳнат Қизил Байроқ орденли Бекобод цемент комбинати қурилиш материаллари саноатининг йирик корхоналаридан бирига айланиб бормоқда. Комбинат цемент заводи, қувур-шифер, майдалаш-саралаш, майдалаш фабрикаларини, оҳак заводи ва кон комплексини бирлаштириб турибди. Корхонамиз Ўрта Осиёда энг сифатли цемент етказиб бераётган корхонадир. Комбинатнинг янги майдалаш-саралаш заводи юксак даражада механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган корхона бўлиб, соатига 800 тонна маҳсулот етказиб бериш қувватига эга.

Меҳнатсевар Бекобод цементчилари коллективи саккиз кварталдан буён муттасил СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг кўчма Қизил байроғини, 21 кварталдан буён Ўзбекистон ССР Қурилиш материаллари саноати министрлиги ҳамда республика касаба союзлари Советининг кўчма Қизил байроғини қўлда сақлаб келаётир. Бу фахрли Қизил байроқлар комбинатимиз ишчи, инженер-техник ходимларининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқариш борасида жон куйдириб меҳнат қилаётганликларидан далолат бериб турибди. Ишчилар социалистик мусобақани ҳар қачонгидан қизғин тер тўкишаётир. Уларни иқтисодий ва маънавий рағбатлантириш тобора яхшиланиб бормоқда. Бу — ҳар бир ишчининг меҳнат активлигини, ишлаб чиқариш унумдорлигини кўтаришдаги ташаббускорлигини оширмоқда.

Комбинат ишлаб чиқаришини юқори даражага кўтаришда планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янгича системасига ўтиш катта роль ўйнади. Ҳар бир касб эгасининг маҳсулот ишлаб чиқаришдаги масъулиятини ва моддий манфаатдорлигини оширди. Ишга барака киради. Масалан, шифер машинасининг машинисти Ҳошим Ҳазратқуловнинг ойлик маоши ўтган беш йил ичида 154 сўм 25 тийиндан 217 сўм 41 тийинга кўтарилди. Қувур машиналарининг машинисти Ҳаким Иброҳимовнинг маоши 149 сўмдан 217 сўмга, цемент машинасининг машинисти Валентина Сараеванинг маоши 166 сўмдан 200 сўмга етди. Янги иқтисодий ислоҳотнинг келтирган шарофати ана шундан ҳам яққол кўриниб турибди.

1968 йилнинг тўққиз ойи мобайнида иқтисодий рағбатлантириш фондидан ишчи ва хизматчилар учун 567 минг сўм сарфланган бўлса, тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йилида 1330 минг сўм сарфланди. Ҳозир йилдан-йилга пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқарилиш орта бориб, кўплаб соф фойда олинмоқда.

Комбинатга қарашли корхоналар коллективлари ўртасида меҳнат ютуқлари учун олтита Қизил байроқ таъсис этилган бўлиб, улар ҳар ойлик иш якунига қараб бериб борилади. Байроқлар асосий ва ёрдамчи цех коллективларига, социалистик мусобақада биринчи, иккинчи, учинчи ўринни эгаллаганларга тантанали суратда топширилади. Комбинатда 590 ишчи коммунистик меҳнат зарбдори номини олган. Ишлаб чиқаришда илғор ва фидокор ишчиларга «Қўли гул уста» деган фахрли унвон берилмоқда. Дипломдан ташқари унвон берилаётган пайтда кўкрак нишони ҳам тақдим этилади. «Фахрли цементчи» номини олиш ҳам ишчиларимиз учун эзгу орзу ҳисобланади.

Булардан ташқари «Комбинатда хизмат кўрсатган уста» нишони таъсис этганмиз. Тежамкорлик билан ишлаб, топшириқларни ҳамиша ошириб бажарувчи ишчиларга ана шундай кўкрак нишонлари берилади. Социалистик мусобақа пешқадамлари ва ишлаб чиқариш илғорлари ҳамиша ҳурмат ва эъзозда бўлишади. Уларнинг номлари «Фахрий китоб»га» ёзиб борилади, фотосуратлари эса «Ҳурмат тахтаси»га илиб қўйилади. Шу кунларда корхона шон-шуҳрат музейи учун икки қаватли янги бино барпо этиляпти. Коллективимизнинг ҳар бир аъзоси ана шу музейга корхона тарихи ва ҳозирги кунини яққол акс эттирувчи фотосуратлар, ҳужжатлар, эсдаликлар ва бошқа кўргазмалар тайёрлаш устида қизғин иш олиб боришяпти.

Ишчиларнинг туғилган кунларини нишонлаш ва унда коллектив роли, иштироки, табриги одат тусига кириб қолди. Ҳар бир ишчининг туғилган куни асосан корхонада нишонланади, ҳамкасблари, цех раҳбарлари чиройли гулдасталар, совға-саломлар билан қутлашади. Бир қарашда арзимасдек бўлиб кўринган бу нарсалар катта аҳамиятга эга. Шунда, ишчи қадрдон корхонасининг, азиз ва меҳрибон коллективининг ажралмас аъзоси эканлигини ҳис этади. Қалби фахр ва қувонч туйғуларига тўлади. Ўз касбига, корхонасига меҳр-муҳаббати ортади.

Меҳнатсевар ва фидокор ишчиларга Қора денгиз қирғоғидаги хушманзара Поти шаҳар пансионатида дам олиш учун текин путёвкалар бериб турилади.

Корхонамизнинг ўзига хос тарихи бор: У 1926 йилда қурилиб, ишга туширилган. Улуғ Октябрдан кейин Ўзбекистонда барпо этилган бу йирик завод доҳиймиз В. И. Ленининг Мирзачўлни ўзлаштириш ҳақидаги Декретга қўл қўйган тарихий воқеа билан чамбарчас боғлиқ. Корхонамиз йилдан-йилга ўсиб, улғайиб боряпти. Ҳозир у беқиёс даражада тараққий этган, ишлаб чиқариш жараёнлари механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган улкан комбинат даражасига етди. Соатига 88 тонна ярим фабрикат ишлаб чиқарадиган қуватли клинкер печлари ишлаб турибди. Янги изотоп қурилмалари ишлаб чиқаришга жорий этилди. Клинкерни қуйдириш жараёнида автомат назоратчи аппаратлар ўрнатилди. Кон комплекси карьерида бир қанча техника янгиликлари жорий этилди. Майдалаш-саралаш заводи қуриб ишга туширилди.

Беш йиллик охирига келиб, Бекобод цементчилари 820 минг тонна цемент, 1750 шартли километр қувур, 22 миллион шартли шифер плитаси, 40 минг тонна оҳак, 1700 минг куб метр шагал ишлаб чиқаришни лозим. Бу юксак вазифани амалга ошириш, беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш жонажон ишимиздир.

С. ЖАББОРОВ,
Бекобод цемент комбинатининг директори.

КОММУНИСТЛАР—АВАНГАРД

ПАРВОЗ

ЛАВҲА

Мезон ойи охирлаб қолди. Яproқлар олтинлана бошлади. Қуёшда оппоқ чақнаган далалар чексиз... Теримнинг айни қизиғи, завқли пайти. Бўйдор тераклар қучоғида тобора кенгайиб кетган йўлда пахта ортган машина ва прицеплар серқатнов.

Ана шундай кунларнинг бирида Ғузор районидаги Карл Маркс номли колхоз партия комитети секретари Улаш ака Зарипов билан 4- бригадада мусобақа якунига бағишланган йиғилишни ўтказиб, пайкаллар ўртасига тушган ёлғиз оёқ йўлдан келардик. Секретарь ўйланиб, ҳар бир гапини чертиб-чертиб сўзларди. Колхоз республикада биринчилар қаторида пахта тайёрлаш йиллик плани бажарилгани ҳақида ғалаба рапорти берди. Ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил йиғиб-териб олинди. Аммо катта хирмон учун қизғин кураш сусаймади. Аксинча кун сайин авжга минляпти. Гектаридан яна 10 центнердан, жами 7000 тонна пахта сотишга қарор қилишган.

— Йиғим-теримда октябрь— асосий ой, — деди Улаш ака кулиб. — Далаларимизда ҳосил қали кўп. Август ойидаги кўсаклар энди очила бошлади. Ҳар куни 2-2,5 процент миқдорида пахта тайёрланяпмиз.

Атрофда кўз куч йиғяпти. Қўйин қўнжи тўла зумрад далалар «оқ олтин»дан ранг олиб, лов-лов ёнади. Лўппи-лўппи чаноқлар ана шу бахмалдай пайкаллар кафтида нуқрадай ялтирайди.

Қишлоқда тез-тез бирин-кетин хушхабарлар ёйилмоқда. Кеча бир йўла яна учта бригада мажбуриятини бажариб, маррага етибди.

— Буларнинг ҳаммаси одамларимизнинг ҳалол меҳнати, машиналарнинг қудратидан, — дегани эди боягина биринчи бригада партия ташкилотининг секретари Мариям Олимова.

У жасорат кўрсатиб ишлаётган бригада аъзоларини номманом санади. Олдинда коммунистлар. Бригададаги саккиз коммунистнинг ҳаммаси пахта теряпти. Мавсумда 15 тонна ҳосилни этакдан тўкишга сўз берган Мунаввар Мамашоева ҳар куни 200 килограммдан ошириб пахта топширяпти. Кекса коммунистлар — пенсионер Ҳиммат Холова, Мусаллам Нормўродов, Ҳайитжон Ражабовалар ҳам этак боғлаб далага чиқишган. Баҳоли-қудрат ишлашяпти. Коммунистлар ибрати, кишиларнинг жасорати туфайли бригада 50 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнерга яқин ҳосил топширди. Марра эса — 60 центкер. Ана шу сўнгги курашнинг олдинги сафида коммунистлар боришяпти...

... Улаш ака машиналар изидан йиғирма-ўттиз қадам юриб бориб «зангори кема»лар ортидан мароқ билан тикилиб қолди. Машиналар бир чигитни ҳам ерга тушмай пахтани ҳўллаб борарди. Секретарнинг кўнгли тўлиб орқага қайтди...

Қуёшда қорайган, юз-кўзи чанг бригадир Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Назар ака Мейлиқулов, унинг ортидан бригада партия ташкилотининг секретари Бибисора Қосимова «Ҳорманг» деб келиб қолишди. Ҳол-аҳвол сўрашгач Назар ака секретарга юзланиб:

— Яна иккита машина бермасанглар бўлмайди. Очил билан Юсуф териб улгуришолмаяпти, — деди ва қўшиб қўйди. — Бу йилгидек ҳосилни умрим бино бўлиб кўрган эмасман, бирам кўпки...

Дарҳақиқат, далаларда ҳосил сероб. Гўё кимдир атайин ғўзаларни оппоқ пахтага чўлғаб қўйгандек. Машиналар бир марта айланиб улгурмай бункерлари лиммо-лим тўлади. Механик-ҳайдовчи ўрнидан туриб қўлини карнай қилиб қичқиради. Шамол унинг сўзини узиб-юлқиб учириб келтирарди:

— Прицеп!!!

Берироқда турган прицеп тирқалган трактор патиллаганича «зангори кема»нинг юкини бўшатиб олиш учун гизиллаб жўнайди.

— Машина бермасанглар бўлмайди, — деб яна такрорлайди Назар ака. Партком секретари «Ҳали кечда идорада маслаҳатлашиб сўнг тайинли гап айтамиз», деди-да бригадирдан кундалик терим ҳақида суриштирди. Механик-ҳайдовчи Очил Тошев ва Юсуф Тошевларнинг ҳар бири икки тоннадан пахта терибди. Кечага иккованики 8 тонна бўлади. Қўлда теришганини ҳам қўшса бригада бугун 3 процент пахта топширади. Планини бажарган, 72 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта топширган бригада учун бу яхши кўрсаткич албатта. Аммо секретарни бу рақам ҳам қониқтирмади.

— Оз, жуда ҳам оз, — деди у. — Сурьатни янада кўтариш керак. 50 центнердан пахта берамиз дегансиз-а. Ҳозир яхши, иссиқ, ёмғир йўқ. Агар эрта-индин ҳаво айниб шув этиб ёмғир ёғса, қор ёғса унда нима бўлади?

— Шунинг учун ҳам яна иккита машина сўраяпманда. — деди бригадир. — Яна бир ҳафтагина териб берса пахтанинг бир толаси ҳам ёмғирга қолмайди.

Абди Оллаев, Саъдулла Ҳусанов, Тўра Тўхтаев бошлиқ бригадаларда ҳам, хуллас қаерда бўлмайлик машиналар талаш. Навбати билан оласизлар, — тасалли беради уларга Улаш ака Зарипов. Колхоздаги 17 та машина уч группага бўлинган. Ҳар бир агрегатни иккита механик-ҳайдовчи бошқаради. Ҳозир шудринг тушмайди. Тонгданоқ терим бошланиб ярим тунда тугаяпти. Кўчма устахона, шпинделларни ювиш учун «ОДН» ажратилган. Механиклар агрегатларнинг бетиним ишлашини таъминлаб турибди. Ҳозиргача ҳар бир машина билан 70 тоннадан пахта терилди.

Колхоздаги ёшу-қари ҳаммаси фикри-ёдида пахта теримн. 115 агитатор ҳам эгат оралаб пахта терятпти. Тушки дам олиш пайтида дала шийпонида суҳбат уюштиришади. Илғорлар тажрибаси ана шу суҳбатларда бош мавзу бўлади. Колхоздаги ҳамма бригадаларда типовой дала шийпони бор. Уларда мавсумий болалар боғчаси ишлаб турибди, иссиқ овқат тайёрланади. Механик-ҳайдовчиларга тунда дам олиш учун алоҳида хона ажратилган. Хуллас, шийпонлар деҳқоннинг иккинчи уйи, оммавий-сиёсий ишлар маркази бўлиб қолган...

... Далалар устига оқшом қўнди. Идорага қайтдик. Ранс Очил ака Кўчкинов ҳам ҳозиргина бригадалардан қайтган экан. У чанг теккан чуст дўпписини столга қўйиб, ўйга ботган ҳолда ўтирар эди. Ҳорғин кўзларини сал қисиб, Улаш акани маъюдор табассум билан қаршилади. Кичкина, гулдор чойнакдан енгил, юпқа пиёлага бир хўплам чой қуйиб партком секретарига узатди-да, кейин қалдирги ростлаб, янгиликни айтди.

— Бугун уч процент пахта жўнатилибди.

Улаш акачиг юзи ёришиб кетди. Шунча ҳаракат, шунча меҳнат зое кетмаяпти. Бугун уч процент бўлса, эртага ҳам ундан камаймайди. Машиналар хирмонга барака киритяпти. Ахир, уни деҳқоннинг қаноти деб бекорга айтишмаган-ку. Бу пўлат қанотлар билан яна ҳам юксакликка парвоз қилиш мумкин.

П. ГАДОЕВ,
Р. ТУРСУНОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«ПАРТИЯ ТУРМУШИ»

Журналнинг октябрь сони босмадан чиқди. У «Умумий иқтисодий таълим — партия ташкилотларининг муҳим иши» сарлавҳали бош мақола билан бошланади. «СССР ташкил топган кунининг 50 йиллиги олдидан» рубрикаси остида эса Ўзбекистон КП Сирдарё область комитетининг биринчи секретари Қ. Аҳмедовнинг «Юбилей йили пахта йиғим-терими», В. Вайрамовнинг «Биноқорларнинг ҳиссаси» сарлавҳали мақолалари эълон қилинган.

Журналнинг «Хўжаликка раҳбарлик» бўлимида Ўзбекистон КП Конимех район комитетининг биринчи секретари А. Петросяннинг «Чорвачилик юксак даражада рентабель бўлсин», Веруний районидаги «Ленинизм» колхозининг раиси Р. Ешимбетовнинг «Юксалиш йўлидан», С. Дурниқиннинг «Завод нега рекламация олляпти?», Э. Бекметовнинг «Ўрта звено кадрларини ўқитайлик ва тарбиялайлик» сарлавҳали материалларини, «Ташкилий-партиявий иш» бўлимида Ўзбекистон КП Ҳамза район комитетининг биринчи секретари І. Эргашевнинг «Ҳар бир партия ташкилотининг, ҳар бир коммунистнинг иши», Ўзбекистон КП Шаҳрисабз район комитети штатсиз партия комиссиясининг аъзоси М. Азизовнинг «Ҳар бир кишининг дилига йўл топайлик», Риштон районидаги Карл Маркс номли колхоз парткоми секретари Р. Эдгоровнинг «Партия қарорларинг таъсирчанлиги» сарлавҳали мақолаларини ўқишингиз мумкин.

Булардан ташқари журналнинг «Идеология иши ва ҳаёт», «Ҳисобот-сайлов партия йиғилишларида», «Журналхонлар билан ёзишма» бўлимларида ҳам кўпгина ранг-баранг, қизиқарли материаллар берилган.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

«ЙЎЛДАГИ ҒОВЛАР»

Газетамизнинг шу йил 13 сентябрда чиққан сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган танқидий мақолада Вобкент районидаги ҳўжаликларида машина теримига тайёргарлик кўриш, дефолиация ўтказиш соҳасидаги камчиликлар очиб ташланганди.

Бухоро область партия комитетидан олинган жавобда айтилишича, мақолада келтирилган фактлар асосан тасдиқланган. Мақола Вобкент район партия комитети бюросининг кенгайтирилган мажлисида атрофлича муҳокама қилинган. Машина теримига тайёргарлик кўришни пайсалга солганликлари учун «Владимир Ильич 100 йиллиги», Ленин номли, Тельман номли, Калинин номли, «Пахтакор» колхозларининг раислари, самолёт экипажи аъзоларига иш шароити яратиб бермагани учун район ўсимликларни химоя қилиш станциясининг бошлиғи огоҳлантирилган.

Район партия комитети машина теримига тайёргарлик кўриш ва дефолиация ўтказиш соҳасидаги камчиликларга барҳам бериш, бу муҳим ишни мукаммал амалга ошириш тадбирларини белгилаган ҳамда уни амалга оширган. Натижада район колхозларида пландаги 8000 гектар ўрнига 8689 гектар майдонда дефолиация ўтказилган. Машина теримига ажратилган майдонлар бегона ўтлардан тозаланган. Бу, ҳозирги вақтда «зангори кема»ларни унумли ишлатиш, машина теримини кун сайин авж олдириш имконини беряпти.

«СОТУВЧИНИНГ «КАШФИЁТИ»

Газетамизнинг шу йил 16 сентябрь сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган танқидий мақолада Бўка район марказида ташкил қилинган савдо ярмаркасида баъзи сотувчилар харидоргир мол-ларни ёшларга баҳо билан пуллашгани кўрсатилган эди.

Бўка район ички ишлар бўлимидан қуйидагича жавоб олинди: Мақола район умумий овқатланиш бўлими коллективи ўртасида муҳокама қилинди. Унда келтирилган фактлар тасдиқланди. Савдо қоидасини бузгани, харидорларга чойни ортиқча баҳо билан сотгани учун мактаб буфетининг сотувчиси Зебо Қобуловага охирги маротаба огоҳлантириш билан қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди.

ШОЛИ—ДАВЛАТГА

Республика областларида шоли ўриш ва тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 20 октябрга бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — областлар, иккинчи стун — ўрилган майдон гектар ҳисобида, учинчи стун — бажарилиш процанти тўртинчи стун — давлатга топширилган шоли тонна ҳисобида, бешинчи стун — бажарилиш процанти.

Сурхондарё	2652	85,3	8000	100,0
Наманган	1641	48,9	4227	93,3
Хоразм	7516	84,9	25749	92,0
ҚҚАССР	19505	73,1	56017	86,2
Андижон	2576	93,0	4801	68,6
Сирдарё	5089	80,8	10476	56,6
Фарғона	1425	56,8	1670	47,7
Тошкент	6384	62,2	10204	37,8
Самарқанд	1672	95,5	1104	31,5
Республика бўйича:	48460	73,9	122248	74,1

«Каракалпакирсовхозстрой» хўжаликлари шолидан мўл ҳосил етиштирди. Давлатга пландаги 50 минг тонна ўрнига 70 минг тоннадан зиёд шоли топшириш учун курашмоқда. Суратда: 1. (чапда) «Каракалпакирсовхозстрой» бошлиғи Ж. Полвонов ва Чимбой районидаги «Майёб» совхозининг директори А. Худойбердиев шоли ҳосилини кўздан кечирмоқдалар. 2. Тўрткўл районидаги «Маданият» совхозида шоли ўрими ранс этиляпти. Совхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони У. Туримбетов бошлиқ бригадаси кунига давлатга йиллик планнинг 15-18 процанти миқдорида шоли топшираётир.

Р. Саидов фотолари.

Мутахассислар маслаҳати

ОЛМА ва УЗУМНИ ҚИШДА САҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Колхоз ва совхозларнинг меҳнаткашлари мева, узум, сабзавот ва полиз экинларидан мўл ҳосил етиштирдилар. Аҳоли фақат ёз ва кузгагина эмас, балки қиш палласи ва келгуси йил баҳорида ҳам ноз-неъматларни истеъмол қилади. Лекин уларни қандай қилиб яхши сақлаш мумкин?

Республикамизда мева, узум, сабзавот, полиз экинлари маҳсулоти ва картошкани сақлаш учун ичидаги иссиқлик қарорати ва намлик тартибга солиб турилиадиган омборлар қурилмоқда. Бироқ улар ҳозирча етарли эмас. Шу туфайли юқоридаги маҳсулотларни сақлашнинг халқ азалдан қўлланиб келаётган усулидан кенг фойдаланиш даркор. Бу мақолада мутахассислар олма ва узумни сақлаш ҳақида ўз маслаҳатларини беришади.

Олма яшчикларга қатлам-қатлам қилиб авайлаб терилади. Ҳар бир қатлам орасига қоғоз солинади. Яшчик тўлгач, устиқоғоз билан яхшилаб бекитилади ва у подвал, омбор ёки бостирмага қўйилади. Яшчикларнинг сиғими 12-16 килограмм бўлиши керак. Улар бино ичида тахтадан бир неча қават қилиб ясалган жойларга теріб қўйилади. Олма бу хилда декабрь ойининг охиригача сақланади.

Олмани яшчикка солмай сақлаш ҳам мумкин. Бунда олма икки-уч қатлам қилиб терилади. Тахтадан қилинган қаватлар жойнинг чети тўрт-беш сантиметр баланд, ҳар бир қаватнинг оралиғи 40-50 сантиметр бўлиши лозим. Сақланаётган олмани вақти-вақти билан текшириб туриш ҳамда чириганларини олиб ташлаш керак.

Олмани битталаб қоғозга ўраб сақлашга тайёрлаш кўп меҳнат ва вақт талаб қилади. Олма ўраладиган қоғозга ҳеч нарсанинг ҳиди ўрмаган ва у юмшоқ бўлиши даркор. Қоғозга ўралган олма тахта, фанер ёки картондан ясалган ва сиғими 25 килограммгача бўлган яшчикларда сақланиши лозим. Яшчик тахтачаларининг ораси очиқ ва тешиклар ҳосил қилинган бўлиши шарт. Бу усулда олма биринчи усулдагига нисбатан 30-40 кун узоқ сақланади.

Олмани қумда ҳам сақлаш мумкин. Яшчикнинг тубига 3-4 сантиметр қалинликда қум солиб бир сидра олма терилади. Шундан сўнг яшчик тўлгунча терилган олманинг ҳар қавати устига бир-бир ярим сантиметр қалинликда қум солиб борилади. Қум сувда ювиб тозаланиши, унга тупроқ ва бошқа нарсалар аралашган бўлмаслиги ҳамда маълум даражада қуритилиб, намлиги 30 процентга келтирилиши зарур. Олмани бу усул билан март ойигача сақлаш мумкин.

Узумни халқ ва саноат усулида сақлаш учун етилган бошлар қирқилгандан кейин бир-икки кун давомида сўрида сўлитилади, сўнг бошларни қўшалоқ қилиб канап билан боғлаб, бинонинг шифтига ёки махсус тайёрланган мосламаларга осилади. Бино ичидаги ҳавонинг ҳарорати 0—5 даража ва намлиги 80-90 процент бўлиши лозим. Осилган узум бошларини вақ-и-вақти билан текшириб туриш ва чириганларини олиб ташлаш зарур. Бу усул билан узум январь-февраль ойларигача сақланади. Бу вақтга келиб осилган узумнинг кўпчилик қисми ўзининг ташқи кўринишини ўзгартирса-да, бироқ, мазаси деярли ўзгармайди. Айрим ҳолларда узум сиғими 10 килограммгача бўлган яшчикларда ва сиғими 15 килограммгача бўлган ҳамда фанердан узунчоқ шаклда ясалган ва бошқа хил идишларда ҳам сақланади. Идишлардаги узум орасига арғувон, теракнинг қуруқ қириндисини сепиш даркор. Идишга солинган узумни ичи музламайдиган бинолерда январь ойининг охири ва февраль ойининг бошигача сақлаш мумкин.

УРАЛДАГИ УЧРАШУВЛАР

КИНОСАНЪАТКОР ТААССУРОТЛАРИ

Улкан байрам — СССР ташкил топган кунининг ярим асрлик тўйи шодиёнаси тобора яқинлашиб келмоқда. Ҳар жабҳада қизғин тайёргарлик ишлари олиб бориляпти. Қардош республикалар бузилмас Иттифоқининг бу шонли байрамини муносиб нишонлаш учун кўрилаётган катта тайёргарлик ишлари борасида меҳнаткашларнинг интернационал тарбияси масаласига алоҳида эътибор берилаётир. Кўп миллатли совет кишиларининг ўзаро дўстлигини, халқларимизнинг ўзаро қон-қардошлигини, ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашда, уларни социалистик Ватанимизга чексиз меҳр-садоқат руҳида тарбиялашда, янги, пурли жамият қурувчи олий онгли кишилар бўлиб етишишларида қардош республикаларарО ўтказилаётган ажойиб маданият байрамлари, санъат кўриклари, декада ва ҳафталиклар, кинофестивалларнинг ижобий роль ўйнамоқда.

Шунинг учун ҳам биз — кинематографчилар кейинги пайтларда қардош Латвия, Украина, Арманистон, Қозоғистонда ва Россия Федерациясининг бир қатор йирик саноат областларида ўтказилган ўзбек киноси кунларини муҳим сиёсий-маданий воқеалар деб ҳисоблаймиз. Биз — ижод аҳллари учун бундай сафарларда бўлиш ва томошабин — муҳлислар билан яқиндан учраши, ижма-юз турибочиқ сўзлашиш, ўзаро фикр алмашиш жуда катта аҳамиятга эга. Агар, ҳар бир кинематографчи одамлар орасида бўлмаса, бунёдкор меҳнат аҳллари ёнида турибиш жараёнини синчиклаб кузатмаса, гаплашмаса, жонли, ҳаяжонли суҳбатлар қурмаса, хуллас, ҳаёт билан ҳамнафас бўлмаса, воқеликни чуқур ҳис этмаса, у яратган асар мақсадга мувофиқ чиқмаслиги аниқ.

Совет кишиларида граждайлик ва ижтимоий туйғуларнинг ниҳоятда камол топганлиги уларнинг санъатга ихлосини тобора оширмоқда. Кишиларимизнинг маънавий эҳтиёжларини қондириш учун қалқиб чиқаётган ички бир туйғу совет воқелигимизнинг ажойиб фазилати бўлиб қолди.

Совет санъаткори халқ учун, одамларнинг манфаати учун ижод қилади, яратади. Шу сабабли биз — кинематографчилар учун томошабинлар билан доимий учрашув туриш, асарларимиз ҳақидаги уларнинг қимматли фикр-мулоҳазаларини эшитиш катта аҳамиятга эга. Биз — ижодкорларнинг энг яқин ҳомийларимиз ҳам, энг муросасиз танқидчиларимиз ҳам шу томошабинлардир. Улар ёрқин, ҳаққоний, истеъдод билан яратилган ленталарни инсоф билан ёқлаб чиқадилар, нурсиз, ҳаяжонсиз, ҳаётни юзаки тасвирловчи асарларни эса қаттиқ қоралайдилар. Буни томоша залларидаги мухлисларнинг кўп ёки озлигига қараб сезиб олиш қийин эмас. Томошабин томошабин-да! Унга ёқмаган нарсани мажбур қилиб кўрсатиб бўлмайди. Бугунги томошабинлар жуда талабчан, зийрак ва сермулоҳаза эканликларини ҳар доим, ҳар вақт унутмаслигимиз керак.

Шу ўринда мен Уралда бўлиб ўтган унутилмас учрашувларни эслайман. Бир группа кино санъаткорлар у ерга ўзбек киноси ҳафталигида иштирок этиш учун борган эдик. СССР ташкил топган кунининг 50 йиллигига бағишланган шодиёнамиз «Ўзбекистон кино усталарининг ижодий ҳисоботи» деб аталди. Фильмларимиз фестивали Свердловскда ғоят баланд руҳда ўтди. Свердловск шаҳри ва областининг ҳамма йирик кино заллари республикамиз кинофильмларида яратилган бадиий ва ҳужжатли ленталарни кенг намойиш этиш учун берилиб қўйилди. Свердловскликлар «Алишер Навоий», «Революция чавандозлари», «Сен етим эмассан», «Улуғбек юлдузи», «Севишганлар», «Фавқулодда комиссар» каби анча илгари суратга олинган фильмларни ҳамда яқинда ишлаб чиқарилган «Баҳор ёмғирлари», «Аланга ичида сўқмоқлар», «Фалокат ёқ остида», «Шижоат», «Шиддат», «Муҳаббат можароси» бадиий ва «Камтар Файзулло», «Янги йил», «Жасорат йилномаси», «Ленин ва Туркистон», «Тошкент. Зилзила» ҳужжатли картиналарини завқ-шавқ билан томоша қилдилар.

Кинематографчи ўз ҳаётида жуда кўп турли-туман воқеаларнинг гувоҳи бўлади. Лекин унинг учун энг ҳаяжонли, узоқ эсда қоладиган воқеа— бу янги фильмининг премьераси кунидир. Бундай ҳаяжонли дамларни мен ҳам ўз бошимдан бир неча бор кечирганман. Бу сафаргиси эса узоқ Уралда бўлди. Ўзбек кинофильмлари фестивали кунлари менинг «Сени кутамиз, йигит» фильмимнинг премьераси бўлиб ўтди. Тўғриси, ҳамма ижодий коллективимиз — сценарий авторлари А. Михалков — Кончаловский ва Э. Тропинин ҳам, оператор Т. Эфтимовский ҳам, рассом Б. Назаров ва композитор Р. Вильдановлар ҳам фильм экранга чиққунча жуда ҳаяжонландик. Фильмимиз эндигина катта ҳаётга дадил қадам қўйган ёш ишчи йигитнинг тарбияси масаласига бағишланган. Фильмда бугуни совет ишчи ёшлари ҳаёти, меҳнатга муносабат масаласи, касбга меҳр ва тарбия масаласи қўйилади. Ҳар қандай қаллоблик ва қалбакилик, мунофиқлик, енгил йўлларни изловчилар билан муросасиз ёш ишчи Темур образи орқали бугунги жўшқин қалб, тиниб-тинчимас, беғубор, меҳнатсевар ёшларни кўрсатиш — асл мақсадимиз эди. Ёш ишчи йигитнинг характери коллектив ёрдамида шакланади, камолга етади. Бу янги фильмимиз саноат марказаларидан бири бўлган свердловскликларга маъқул тушди.

Шахсан мен, қолаверса, бутун кинофестиваль қатнашчилари сафаримиздан хурсандмиз. Уралликларнинг меҳмондўстлиги, меҳр-оқибатлилиги, дўстона суҳбатлари бизда илиқ таассуротлар қолдирди.

Свердловск областининг партия, совет ва жамоат ташкилотлари ўзбекистонлик кино санъаткорларга фильмлар кўрсатишда ҳамда Ўрта Урал ўлкасининг гўзал манзаралари билан ошна бўлишимизда катта ёрдам берди. Биз бу ўлканинг халқ хўжалиги, саноат ва маданият соҳаларида қўлга киритаётган катта ютуқлари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдик.

Гигант заводлардан бири «Уралхиммаш»да бўлдик, бу заводнинг Чирчиқ кимёгарлари билан ўзаро дўстона алоқалар қилиб туришини билиб олдик. Ўзбек ишчилари делегацияларининг уралликлар меҳмони бўлса, улар серқуёш республикамизга тез-тез келиб туришади. Ҳатто, ураллик ишчиларнинг болалари Чирчиқдаги пионер лагерларида ҳордиқ чиқариса, чирчиқлик болалар ўз навбатида Уралнинг сўлим масканларида дам олиб қайтадилар. Свердловскнинг 11 олий ва 28 ўрта махсус таълим ўқув юртларида 120 мингдан ортиқ талабалар таълим олишар экан. Булар орасида ўзбекистонлик йигит ва қизлар ҳам бор.

Шунингдек, биз Уралнинг Тоғ институтига қарашли Геология музейида ҳам бўлдик. Бу ерда қазиб олинаётган ранг-баранг маъданлардан намуналар қўйилган. Ҳаммасидан ҳам бизда энг кўп таассурот қолдирганн — бу ўлканинг ажойиб одамлари бўлди. Дарҳақиқат, уралик меҳнат аҳллари кўп миллатли совет оиласининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ўз бахтларини ўз қўллари билан бунёд этмоқдалар, юрт бойлигига бойлик, эл хазинасига барака ато этмоқдалар.

Биз Нижний Тагил металлургия комбинати, Богословск алюминий заводи ишчилари, Краснотурьинскдаги пионерлар саройида қувноқ болалар, Карпинск шаҳар томошабинлари билан ажойиб унутилмас учрашувлар ўтказдик. Серов, Первоуральск, Камишлов, Асбест шаҳарлари меҳнаткашлари билан бўлиб ўтган ижодий суҳбатлар биз — ижодкорларга илҳом ва ғайрат бахш этди. Свердловск киностудиясида эса намойиш қилган фильмларимиз борасида қизғин ижодий баҳс, мунозара бўлди.

Ўзбек фильмларининг шоли байрам — СССРнинг 50 йиллиги олдидан жойларда ўтказилаётган фестиваллари яхши ташкил этилмоқда. Ана шундай кўриклар, шубҳасиз, қардош республикалар кинематографларининг ўзаро ижодий ҳамкорлигини мустаҳкамлашда, қардош маданиятларни бир-бирига янада яқинлаштиришда муҳим роль ўйнамоқда.

Р. БОТИРОВ,

Кинорежиссёр, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Комсомоли мукофотининг лауреати.

Янги китоблар

Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти қўйидаги китобларни босмадан чиқарди.

Нозим Ҳикмат. Инсон манзаралари. Биринчи китоб. Туркчадан Рауф Парфи таржимаси. 120 бет, тиражи 10.000, баҳоси 70 тийин.

Мақсуд Шайхзода. Асарлар. Беш пардали тарихий фожиа. Пьеса. Олтинчи жилдининг учинчи томи. 272 бет, тиражи 10.000, баҳоси 94 тийин.

Х. Дониёров. Алишер Навоий ва ўзбек адабий тили. 64 бет, тиражи 10.000, баҳоси 12 тийин.

«Ўзбекистон» нашриёти қўйидаги китобларни босмадан чиқарди.

В. И. Ленин. Диалектиканинг ядроси ҳақида. 36 бет, тиражи 10.000, баҳоси 6 тийин.

Авторлар коллективи. Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи. Очеркдар тўплами. Учинчи китоб. 582 бет, тиражи 8.000, баҳоси 2 сўм 30 тийин.

В. Рацен. Ўрта Осиёни кезганда. (Фарғона, Олой, Қоратегин, Ҳисор, Кўҳистон) 110 бет, тиражи 20.000 баҳоси 20 тийин.

З. И. Есенбоев. Здравствуй товарищ книга. 46 бет, тиражи 5000, баҳоси 9 тийин.

Х. Муминов. Чорвачилик тараққиёти асосқоллари. 64 бет, тиражи 5000, баҳоси 12 тийин.

ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

БУ НОНТЕПКИЛИК ЭМАСМИ?

Халқимизда «Нон ҳам нон, ноннинг увоғи ҳам нон» деган мақол бор. Поп районидаги «Коммунизм» колхозининг бригада бошлиғи А. Қўчқоров буни яхши биларди. Лекин пахта ҳам пахта, унинг бир мисқоли ҳам пахта эканини билгиси келмайди. Шу сабабли бригаданинг далаларида пахта тўкилиб-сочилиб нобуд бўляпти, уни тезкорлик билан теріб олиш чоралари кўрилмаётир.

Бригадага қарашли пахта пайкалларида бўлдик. «Оқ олтин» чаноқлари хирмонларнинг атрофида, йўллар, йўлкаларда тупроққа қоришиб ётибди. Машиналарнинг бенуқсон ишлашига етарли шароит яратилмаган. Пайкалларнинг икки четидан айланиш майдончаси тайёрланмаган, ўқариқ, шохариқ, марзалар текисланмаган, оқибатда машинанинг иш органлари тебраниб, чаноқлардаги пахтанинг анча қисмини ерга тўкиб кетяпти. Уни теріб олиш ҳақида ҳеч ким бош қотирмаяпти.

Пахтанинг ерга тўкилиб нобуд бўлишида ўз вазифасига совуққонлик билан қараётган С. Бегматов, Х. Тўлаганов каби механизаторлар ҳам айбдор. Улар яхши созланмаган машиналарни пайкалга олиб киргандар. Натижада шпинделлар қониқарли ишламаяпти. Барг сифатли тўктирилмагани учун шпинделлар орасига кириб қолиб, иш унумининг пасайишига сабаб бўляпти.

Давлат стандартига мос келмаган пахта паст сортга қабул қилиниши турган гап. Хўжаликда айнан шундай ачинарли аҳвол юз бермоқда. Яқинда тай ёрлов пунктига жўнатилган 427,4 тонна пахтадан 4,6 тоннаси намлиги учун, 27 тоннаси эса ифлослантирилганлиги учун чегириб ташланди. Умуман эса жўнатилган пахта паст сортга қабул қилинди.

Валижон Холматов бошлиқ бригадада бошқа ачинарли аҳволни кўрдик. Бу ерда терим машиналарининг иши билан тележкалар иши бир-бирига уйғунлаштирилмаган. Машинасининг бункери тўлган механизаторлар тележка кутиб бекор туриб қоляпти, айрим ҳолларда эса пахтани уватларга, хирмонларга тўкяпти. Оқибатда пахта ифлосланяпти, қайта тележкаларга ортилиб бир иш икки бўляпти. Р. Усмонов бошчилик қилаётган бригадада ҳам айнан шундай аҳвол рўй бераётир.

Шуниси таажжубланарлики, колхоз раҳбарлари (раиси М. Мирзатиллаев, партия ташкилотининг секретари А. Мамадалиев ўртоқлар) бу ачинарли аҳволни дарҳол тузатиш чораларини кўрмаяптилар.

О. ЖУМАНАЗАРОВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг Наманган область мухбири.

«СОЦИАЛИЗМ» СОВХОЗИ ЗАФАР ҚУЧДИ

ВОРОШИЛОВ, («Совет Ўзбекистони» махсус мухбиридан). Мирзачўлнинг эски зонасига жойлашган «Социализм» совхози аъзоларидан байрамолди социалистик мусобақасини ҳар тарафлама кучайтирди, ажойиб меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Давлатга 11 минг тонна «оқ олтин» етказиб берилиб, халқ хўжалик плани муддатидан илгари ошириб бажарилди.

Йиғим-терим суръатининг кескин кўтарилишида машиналар ҳал қилувчи роль ўйнаётир. Ҳозиргача тайёрланган пахтанинг 7700 тоннаси «зангори кема»лар бункеридан бўшатилганлиги бунинг ёрқин далилидир. Агрегатларга кенг йўл очиб берган Жуман Бердиалиев бошлиқ бўлим пахта пленини 113 процент, Остон Жўраев ва Владимир Ким ўртоқлар бошқараётган бўлимлар 105 процентдан ада этди.

Дала ишларини комплекс механизациялаштиришга эришган Мухтор Холматов, Синдор Қаршибоев, Ирисбой Холдоров ўртоқлар бошлиқ бригадалар ҳосилдорликни гектар бошига 25 центнерга етказишди. Улар ҳар гектар ердан яна 15 центнердан дурдона тайёрлашга азму-карор қилишди.

Девкор техника кучидан оқилона фойдаланган донгдор механизатор Босим Бозоров шу кунгача 400 тонна пахта теришга муваффақ бўлди. У мавсум охирига қадар бункердан яна 60 тонна дур тўкмоқда. Миродим Қаршибоев 250 тонна, Умрилла Азизов, Унгар Мирзаев ўртоқларнинг ҳар бири 200 тоннадан «оқ олтин» теріб, совхоз хирмонига барака киритишди.

Ҳали далаларда ҳосил кўп. Совхоз дирекцияси ва партия комитети бутун куч ва техника воситаларини теримга сафарбар этиб, давлатга яна 3 минг тонна пахта топширилишини таъминлаш учун астойдил курашмоқдалар.

МАШИНАДА 1000 ТОННА

Ўзбекистон районн. (Телефон орқали олинди). Кунн кеча «Ғаниобод» совхозининг «Ғаниобод» бўлими механизаторлар. машинада пахта териш йиллик планини ошириб бажарганликлари тўғрисида ғалаба рапортига имзо чекдилар. Бўлим да 1000 тонна пахта «пўлат этак»лардан тўкилди.

Суратдаги бу қизлар опа-сингил—Муҳаррам ва Маҳфура Фармоновалар Ромитан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг чевар теримчиларидан ҳисобланади. Уларнинг ҳар бири кунига 200-220 килограммдан пахта теришмоқда.

А. Тўраев фотоси.

БОБОДЕҲҚОНЛАР

Фарғона область, Қува районидаги «Ленинизм» колхозининг етмиш икки ёшли Сами ота Жалилов бошлиқ чоллар бригадаси янги ўзлаштирилган ерда биринчи терім кунидаёқ планни бажарди. Биз бунинг шоҳиди бўлдик.

Қадимда бу ерлар чўл эди тақир,
Бўлиқ ғўзаларга қаранг, ёпирай!
Чўгит ташланган кун кечайди ахир,
Умр ҳам оқар сув, вақт ҳам чопқир-ей!

Канал пастидадир Найнаво чўли,
Беш-олти чақирим келади йўли,
Чўл ёқасин тутмиш чолларнинг қўли,
Умр ҳам оқар сув, вақт ҳам чопқир-ей!

Маҳалла-нўй ичра юрар дув-дув гап,
Ҳайратда қолишар беш чолга қараб:
«Ўтирса бўлмаси соқолин тараб,
Умр ҳам оқар сув, вақт ҳам чопқир-ей!».

Бешовлон яшашар бир пўст, бир мағиз,
Қуёш хўп қиздирар, дамлар кўп тиғиз,
Гап сиғмас орага ҳатто бир оғиз,
Умр ҳам оқар сув, вақт ҳам чопқир-ей!

Бақамти меҳнатнинг йўлини топди:
Биттаси сув қуйди, бошқаси чопди,
Бирининг айбини ўзгаси ёпди,
Умр ҳам оқар сув, вақт ҳам чопқир-ей!

Чеккада бўш ётар гулдор тўрновоқ,
Чўлларда юрибди бедана бироқ,
Унинг овози-чи, қанчалар янгроқ!
Умр ҳам оқар сув, вақт ҳам чопқир-ей!

Зеринишга қўймас нўм-кўк пахтазор
Ва лекин қишлоқда маликаи ёр —
Кампиршо зеринар, шу томони бор...
Умр ҳам оқар сув, вақт ҳам чопқир-ей!

Уртага чанг солди айрилиқ, ҳижрон,
Нахотки беш чолга ўша бир шийпон —
Ҳам кампир, боғу роғ, иссиқ ошиён?
Умр ҳам оқар сув, вақт ҳам чопқир-ей!

Меҳрин банд қилибди пахта жамоли,
Куй олиб учгин, эй, дала шамоли:
«Сочларим толим-толим,
Қайларда қолди чолим?»
Умр ҳам оқар сув, вақт ҳам чопқир-ей!

Тавба, бундай ахир нелса бўлмасми?
Кампир аҳволини билса бўлмасми?
Қуш гўшти, тухумдан еса бўлмасми?
Умр ҳам оқар сув, вақт ҳам чопқир-ей!

Гап шу қувониш йўқ, келишган оғи,
Шишиб нетган бўлса барин димоғи,
Пахтадан нам эмас кампир фироғи!
Умр ҳам оқар сув, вақт ҳам чопқир-ей!

Бири дер: «Ҳой, қизлар, бўлманг тош бағир,
Пахта ҳазилмиди, иши кўп оғир,
Биз бунда соч ўриб юрибмиз ахир!... —
Умр ҳам оқар сув, вақт ҳам чопқир-ей, —

Яхшиси, орадан йўқолмай қадр,
Сиз қилинг қатлама, сиз — ёғли патир,
Мен — палов; ошни ҳам сағиннишгандир...»
Умр ҳам оқар сув, вақт ҳам чопқир-ей!

Чоллар-чи, гоҳида бўлишар ҳайрон,
Нечун, кампирлардан хабар йўқ ҳамон?
Ўзлари боришга қайда вақт, имкон,
Умр ҳам оқар сув, вақт ҳам чопқир-ей!

Дилнинг шод бўлмоғи, нўзда ёруғ нур,
Оқ пахта очилса, оқ дилга ҳузур,
Мана, теримга ҳам етишди, шукур,
Умр ҳам оқар сув, вақт ҳам чопқир-ей!

Илк терим. Иш қизғин, Қўнгиллар бутун,
План бажарилди худди шу бугун!
Кампирлар шайланар қўлларда тугун...
Умр ҳам оқар сув, вақт ҳам чопқир-ей!

Сўрига ёнбошлар мана беш бобой:
«Хотиржам ичайлик энди аччиқ чой,
Хумордан чиқайлик, отайлик носвой,
Умр ҳам оқар сув, вақт ҳам чопқир-ей!...»

Кимдир келаётир яшнаб жамоли:
Рўмолини тортқилар дала шамоли:
«Сочларим толим-толим,
Қайларда қолди чолим?..».
Кампир тушмагурлар мунча топқир-ей!

Муҳаммад АЛИ.

СПОРТ ХАБАРЛАР

ЯНГИ МАСТЕРЛАРИМИЗ

Спорт соҳасидаги муваффақиятлари учун СССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитети ўзбекистонликлардан катта группасига СССР спорт мастери унвонларини берди. Улар орасида чавандоз Э. Ғуломов, Н. Норкин, Л. Азизов, Д. Темиркая, классик кураш устаси А. Барахт, К. Ли, М. Зиганшин, эркин курашчи И. Исмонов, В. Ким, В. Ханский, сузиш бўйича В. Попов, Н. Серебрянова, гимнастикачи Л. Югай, Е. Попова ва бошқалар бор.

Велоспортчи А. Юдин, С. Смирнова, гимнастикачи Э. Саади, эркин курашчи Л. Шипилов, Э. Абдурахмонов, отиш бўйича С. Воли, чанғиларга халқаро классли спорт мастери унвони ҳам берилди.

КИЧИК ҲИСОБЛАР

Мамлакат футбол чемпионати иккинчи лига 5-зона командалари навбатдаги тур ўйинларини ўтказдилар. Бу турда кичик ҳисоблар қайд қилинди. Хоразмнинг «Янгиариқ» командаси билан Фарғонанинг «Нефтяник» коллективи футболчилари учрашувида ҳисоб очилмади. «Янгиер» ва «Автомобилист» (Термиз) коллективлари ўйинида қўриқ область футболчилари термизликлар дарвозасига ягона тўп киритиб, икки очко олдилар. «Спартак» (Йошкар—Ола)—«Волга» (Ульяновск), «Зенит» (Ижевск) — «Локомотив» (Оренбург) учрашувлари ҳам шундай ҳисобда тугади. Пензанинг «Сура» командаси Балаково шаҳрининг «Корд» коллективини 2:0 ҳисобида ютди. Чебоксарининг «Энергия» командаси футболчилари билан Тольятти шаҳрининг торпедочилари очколарни бўлашиб олишди — 1:1. Бу зонада «Сокол» командаси пешқадамлик қиляпти.

2200 МЕТР БАЛАНДЛИКДА

Фарғонадаги «Дугоба» Бутуниттифоқ альпинизм лагери спортчилари ўтган мавсумда кўпдан-кўп завқли чўққиларни эгаллаганлар. Помир—Олой тоғларининг 2200 метр баландлигида жойлашган бу лагерда йигирманчи юбилей мавсуми тугади. Чўққиларни забт этишда мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан 600 спортчи қатнашди.

КОМАНДАДАН КОМАНДАГА ЎТИШ ЙЎҚ

Футбол мухлислари ва мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олган Бутуниттифоқ спорт комитети янги инструкцияни тасдиқлади. Инструкцияда мастерлар командаси ўйинчиларининг бир командадан иккинчи командага ўтиши тақиқланган. Иккинчи йилдан юқори лигага ўтиш мумкин.

Иккинчи лига командалари маҳаллий спорт мактаблари, ташкилотларида етишаётган футболчилар ҳисобига ўз коллективларини тўлдиришлари мумкин. Бу эса ўсмирлар, ўринбосарлар коллективларида ишнинг яхшиланиши, болалар футболининг ривожланишига йўл очиб беради. Коллективлар ўринбосарлар тайёрлаш ҳақида қайғурадиган бўладилар.

Жаҳон бўйлаб

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ СЕССИЯСИДА

НЬЮ-ЙОРК. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси XXVII сессиясининг ялпи мажлислари қарийб бир ҳафталик танаффусдан кейин яна бошланди. 132 мамлакатнинг делегатлари умумий мунозарани тамомлаб, мустамлака мамлакатлари ва халқларига мустақиллик бериш тўғрисидаги декларацияни амалга ошириш масаласини муҳокама қилишга киришдилар.

Бирин-кетин минбарга чиққан нотиқлар халқларни мустамлакачилик зулмидан халос қилиш соҳасида катта ва муҳим муваффақиятларга эришилганлигини айтдилар ва ўн йилдан кўпроқ вақт илгари Совет Иттифоқининг ташаббуси билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қабул қилган декларация бу соҳада жуда катта аҳамиятга эга бўлганлигини таъкидладилар. Айни вақтда сўзга чиққан делегатларнинг кўплари мустамлакачиларнинг муайян давлатлар ёрдамида баъзи мамлакатларда ўз ҳукмронлигини сақлаб қолиш учун эўр бериб ҳаракат қилаётганликлари ҳақида ташвишланиб гапирдилар.

Танзания вакили Салим Аҳмад Салим ҳозирги кунда Африканинг бир қанча районларида Португалия мустамлакачилари томонидан Ангола, Мозамбик ва Гвинея (Бисау) халқларига қарши қаттиқ уруш олиб борилаётганлигини эслатиб ўтди. У Жанубий Африка Республикаси ва Жанубий Родезиядаги ирқчи режимларнинг сиёсатини ва ғарбдаги баъзи давлатлар, аввало, НАТОда аъзо бўлган мамлакатларнинг ана шу режимларга бераётган ёрдамини қаҳр-ғазаб билан қоралади.

Совет делегацияси озодлик, мустақиллик учун ва тенг ҳуқуқлари учун курашаётган Африкадаги мустамлака халқлари билан бирдамлик ҳафтасини ҳар йили ўтказиб туришни таклиф этган эди. Салим Аҳмад Салим бу таклифни қўллаб-қувватлади.

Маврикия делегати Радҳа Кришна Рампхул Бирлашган Миллатлар Ташкилотида аъзо бўлган барча мамлакатларга мурожаат қилиб, уларни мустамлакачилик зулмига қарши курашаётган халқларга моддий ва маънавий ёрдамни кучайтиришга даъват этди. (ТАСС).

ИҒВОГАРЛАР ТИНИБ-ТИНЧ ИМАЁТИРЛАР

БАЙРУТ. (ТАСС). Исроил ҳарбийлари Ливаннинг жанубида иғвогарликни давом эттирмоқдалар. 17 октябрда Ливаннинг Аркуба районидаги Рашайя ал-Фуххар қишлоғи Исроил территориясидан тўпга тутилди. Бунинг натижасида бир киши ўлдирилди. Исроилликлар шу қишлоқда қўмиб қўйган мина портлади. Бунинг натижасида икки киши ўлди ва етти киши жароҳатланди.

Исроил ҳарбий самолётлари 17 октябрь бутун кун бўйи мамлакатнинг осмонига бир неча марта бостириб кирди. Исроилнинг тўрт самолёти саҳар пайтида Сайда шаҳри атрофи устидан бир неча бор пастлаб учиб ўтди. Бу район 15 октябрда бомбардимон қилинди. Исроил самолётлари кечга томон Сайда, шунингдек Набатия шаҳри устида яна пайдо бўлди.

ВДР. Америка авиациясининг ҳужуми натижасида Намдинь шаҳрининг фуқароси Чан Ван Тхонинг уйи вайрон бўлиб, рафиқаси ўлди. Жабр дийда ота 8 фарзанди билан қолди. Суратда: Чан Ван Тхо болалари билан вайрон бўлган уйи ўрнида. У қўлида эндигина бир ёшга тўлган фарзандини кўтариб турибди.

ВИА—ТАСС фотоси.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БЕЛЬГИЯДА

БРЮССЕЛЬ, 19 октябрь. (ТАСС). Бельгия—Совет дўстлиги жамияти СССР Олий Совети Миллатлар Советининг раиси Е. С. Насриддинова бошчилигида Бельгияда меҳмон бўлиб турган СССР Олий Совети делегацияси шарафига кеча ўтказди. Бу кечада Бельгия жамоатчилигининг вакиллари, Бельгия парламентининг аъзолари, жамият активлари ҳозир бўлдилар.

Бельгия — Совет дўстлиги жамиятининг ижрочи раиси Д. Титс Бельгия ва Совет парламентлари аъзолари ўртасидаги алоқаларни кенгайтиришнинг аҳамиятини, бу алоқалар СССР билан Бельгия ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни янада ривожлантиришга кўмаклашишини алоҳида таъкидлади.

Е. С. Насриддинова табрикка жавоб қайтариб айтдики, бошқа мамлакатлар билан алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлашнинг катта программаси совет халқининг тинчлик ва дўстликка астойдил интилаётганлигини ва СССР-нинг анъанавий тинчликсеварлик ташқи сиёсатини ифодалайди. Европада хавфсизликни таъминлаш, халқлар ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун кураш — бу программанинг энг муҳим моддаларидан биридир.

Совет парламенти делегациясининг бошлиғи сўзининг охирида СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган китобни Бельгия — Совет дўстлиги жамиятига совға қилди.

СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ЁРДАМИ БИЛАН

АДАН. Адандан 250 километр наридаги Ахвар районида Совет Иттифоқининг иштироқи билан қурилган тўғонни тантанали суратда очиш маросими ўтказилди. Янги сув омбори 3 минг гектар ерни суғориш имконини беради. Бунинг натижасида районда экин майдонлари анча кенгайтирилади.

Митингда Яман Халқ Демократик Республикасининг Бош министри Али Носир Муҳаммад, қишлоқ хўжалиги ва ер ислоҳоти министри Муҳаммад Сулаймон Носир ва бошқа расмий нишилар нутқ сўзлаб, миллий экономикани ривожлантиришда мамлакатга ёрдам бераётганлиги учун совет халқига ташаккур изҳор қилдилар. Улар совет мутахассисларининг ишига юксак баҳо бердилар. (ТАСС).

ОБ-ҲАВО

Бугун Узбекистон областларида ҳавонинг деярли очиқ келиши кутилади. Жанубий-Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат 18-23, жанубда 26 даражагача етади.

Республикамиз пойтахтида ҳаво очиқ келади. Шарқ томондан секундига 3-7 метр тезликда шамол эсиб, ҳарорат кундузи 21-23, кечаси 4-6 даража атрофида бўлади.

ПЕНТАГОННИНГ СТРАТЕГИЯСИ БАРБОД БЎЛДИ

ВАШИНГТОН. (ТАСС). Америка авиацияси Вьетнам Демократик Республикасини шафқатсизларча бомбардимон қилганлиги Пентагон кутган натижани бермади. Америка конгресси сенат ташқи ишлар комиссияси тайёрлаган докладда ана шундай хулоса чиқарилган. Комиссия раиси сенатор У. Фулбрайт шу тадқиқотга ёзган сўзбошисида бундай деб таъкидлайди: «Осмон уруши Вьетнам халқининг иродасини бўшаштира олмади», бу уруш «Шимолий Вьетнам граждан аҳолиси орасида кўп кишининг қурбон бўлишига, Америка учувчиларининг ҳалок бўлишига, АҚШнинг халқаро обрў-эътиборига зарар етишига ва катта-катта ҳаражатларга»гина сабаб бўлди.

1965—1968 йиллар ўртасидаги даврни камраб олган ана шу докладдан маълум бўлишича, Қўшма Штатлар ВДРни ёпирилиб бомбардимон қилиш сиёсатини ўтказиш билан Вьетнам халқининг иродасини бўшаштиришни, «Жанубий Вьетнамдаги қўғирчоқ режим армиясининг» ва Жануби-Шаркий Осиёдаги Америка солдатларининг маънавий руҳини кўтаришни, Вьетнамга бағишланиб Парижда ўтказилаётган музокараларда ВДР вакилларига тазйиқ ўтказишни асосий мақсад қилиб қўйган эди.

Америка ҳарбийлари шу мақсадларига эришмоқ учун ВДРнинг ҳарбий саноатини ва қуролли кучларини яксон қилишни, шунингдек умуман шу мамлакатдаги экономикани барбод қилишни планлаштирган эди.

Бу умидлар пуч бўлиб чиққанлиги докладда ўқтириб ўтилган.

Шунга қарамай, Қўшма Штатлар ҳозир ҳам Вьетнамдаги ҳамма нарсани ёндириб кул қилиш сиёсатидан бош тортмаётир. 1968 йилдан бошлаб АҚШ ҳукмрон доиралари Ҳинди-Хитой мамлакатларини бомбардимон қилиш кўламини янада кўпроқ кенгайтирдилар. Айрим маълумотларга кўра, Америка самолётлари Вьетнамнинг ўзига ҳар минутда икки тонна бомба ташлаб турибди. Лекин, расмий шаҳсларнинг фикрича, АҚШнинг Вьетнам проблемасини осмон уруши ёрдамида ҳал этишга эришиш йўлидаги ҳамма уринишлари беҳудадир.

Матбуот хабарларига қараганда, АҚШ Марказий разведка бошқармаси билан Мудофаа министрлиги яқинда миллий хавфсизлик кенгашига тақдим этган докладларда, Қўшма Штатлар зўр бериб бомбардимон қилаётган бўлса ҳам, ВДРнинг ҳарбий потенциалини бўшаштиришга муваффақ бўла олмаганлиги тан олинган.

Мозамбик озодлик фронти (ФРЕЛИМО) ватанпарварлари Португалия мустамлакачиларига қарши курашда янгидан-янги муваффақиятларга эриш моқдалар. Суратда: ФРЕЛИМО отряди юришда.

ТАСС фотохроникаси.

СЕАТО МАШҚЛАРИ

Маниладан олинган хабарларга қараганда, СЕАТОнинг ҳарбий ташкилоти Жанубий Хитой денгизида «Денгиз чаёни» деган шартли ном билан машқ ўтказа бошлади. «Денгиз коммуникациялари устидан контроль ўрнатиш операцияларини пухталаштириш» мақсадида ўтказилаётган ана шу иккинчи ҳафталик машқларда Қўшма Штатлар, Австралия, Янги Зеландия, Англия, Филиппин ва Таиланддан 20 та кема қатнашади.

Австралиянинг «Мельбурн» авианосеци СЕАТО эскадрасининг байроқдор кемаси ҳисобланади. Лекин бу сафар унинг тепасида Америка байроғи кўтарилади, чунки машқларга Американинг Филиппиндаги ҳарбий-денгиз кучлари қўмондони контр-адмирал Дик қўмондонлик қилади. (ТАСС).

ҲАР ТЎҒРИДА

Мамлакатимизда ҳар минутда босмахона машиналаридан 3 минг нусхага яқин китоб чиқади. 1971 йилда СССР халқлари ва чет тиллари бўйича 108 тилда китоб ва брошюралар нашр этилган. Ўтган беш йилликда совет китобхонлари 6 миллиард китоб ва брошюраларга эга бўлди. Янги беш йилликда газета, журнал ва китоблар нашрининг тағин ҳам ошиши кўзда тутилган.

* * *

Ўрта асрнинг буюк файласуф ва энциклопедистларидан бири Ал-Фаробийнинг математик рисоласи рус тилида нашр этилди. Илмий жамоатчилик келгуси йили олимнинг 1100 йиллигини нишонлашга тараддуд кўрмоқда. Рисола Қозоғистон ССР Фанлар академиясининг президенти Ш. Есенов раҳбарлигида олимлар коллективи томонидан нашрга тайёрланган. Қозоғистон «Фан» нашриётида чиқарилаётган бу китобга Ал-Фаробийнинг барча машҳур математик ишлари киритилган.

* * *

Москвада денгиз мушуклари Халқаро комиссиясининг 15-сессияси бўлиб ўтди. Денгиз мушуклари Халқаро битими кучга кирган давр мобайнида Совет Иттифоқининг Тинч океани қирғоқларида бу қимматбаҳо денгиз хайвонларининг галалари икки баравардан зиёд кўпайди. Канада, АҚШ, СССР ва Япония вакиллари сессия программасида қўшма илмий тадқиқотлар ва денгиз ҳайвонлари сонининг ошишига йўналтирилган тадбирларни муҳокама қилдилар.

* * *

Реставраторлар жаҳонга машҳур Шарқ обидаси — Самарқанддаги Бибиҳоним мачити ёдгорлигини қайта тиклаш ишларини муваффақиятли тамомлашди. 18 метрли минора комплекси Шимолий-ғарб томонга 1,5 метр қияликда оғган эди. Икки ой давом этган тайёргарлик ишларидан сўнг миноранинг асосий қадди тўла тикланди ва унинг ички қисмига бақувват икки тўсин ўрнатилди.

* * *

Ёввойи ҳайвонларни тери касалликларидан даволашда Чотқол тоғ-ўрмон заповедниги вертолётдан фойдаланмоқда. Масалан, олқорлар одатда чуқур жарлик ва баланд қояларда ўтлайди, уларга яқинлашиб боришнинг имконияти йўқ. Вертолётдан эса дори томчиларининг зарядланган чанг-тўзони олқор подалари устидан сепилади. Даволашнинг бундай усули ёрдамида беш йил ичида заповеднидаги олқорлар сони икки баравар кўпайди.

* * *

Бахши Саяқбай Каралаев оғзидан ёзиб олинган қирғиз баҳодири Манас, унинг ўғли Семетей ва жияни Сейтеклар-нинг жасорати ҳақидаги қадимий халқ эпосининг тўлиқ тексти нашрга тайёрланди. Тайёрлаш ишлари Қирғизистон ССР Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти ходимлари томонидан бажарилди. Халқ бахшиси эпосининг алоҳида эпизодлари бўлган 42 та вариантини тўплаб берди.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ ГАВАНА. Жаҳон тинчлик кенгаши президиуми барча прогрессив халқаро ва миллий ташкилотларни Вьетнамдаги Америка агрессиясини тўхтатиш учун курашда кучларини бирлаштиришга даъват этди. Жаҳон тинчлик кенгаши президиуми аъзолари яқинда Кубада бўлган вақтларида қабул қилинган, бу ерда эълон қилинган мурожаатда АҚШ ҳукумати Ҳинди-Хитойда ўтказиб келаётган геноцид сиёсати қаҳр-ғазаб билан қораланди.

◆ ПАРИЖ. ЮНЕСКО бош конференциясининг мажлисида Бангладеш Халқ Республикаси кўпчилик овоз билан ЮНЕСКО аъзолигига қабул қилинди.

◆ БУХАРЕСТ. Руминия Социалистик Республикаси билан Сурия Араб Республикаси ҳукуматлари элчилар даражасида дипломатия муносабатлари ўрнатиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

◆ ПАРИЖ. Барселонадаги (Испания) «Сеат» автомобиль заводларининг 8.000 ишчиси қисқа муддатли забастовка ўтказди. Ишчилар меҳнат шароити яхшиланишини талаб қилмоқдалар. (ТАСС).

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

Тошкент телестудиясининг ҳафталик программаси

23 ОКТЯБРЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — ТОШКЕНТ, 18.00 — Қўғирчоқ театри, 18.45 — Музикали кўрсатув, 19.20 — Оламда нима гап? 19.45 — Ахборот, 20.00 — Халқаро панорама (Москва), 20.30 — Ўн минут музика, 20.40 — Ахборот, 21.00 — Пахтакорларнинг меҳнат рапортлари, 22.00 — «Вақт», 22.30 — **Ҳаёт чорлайди** (теленовелла), 23.30 — Ҳужжатли фильм.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.50 — МОСКВА, 17.55 — Янгиликлар, 18.00 — Ўқувчилар учун кўрсатув, 18.30 — Телеочерк, 19.00 — Асар қаҳрамонлари — замондошимиз, 20.00 — «Гулхан» журнали саҳифаларида, 20.30 — Концерт, 20.55 — **Бонивурнинг қалби** (бадиий фильмнинг 1-серияси), 22.00 — ТОШКЕНТ.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — ДУШАНБА.

24 ОКТЯБРЬ, СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

12.30 — МОСКВА, 17.55 — ТОШКЕНТ, 18.00 — Экранда — Андижон ўқувчилари, 19.00 — Шоир **Барот Бойқобилов** сонетлари, 19.30 — Ахборот, 19.45 — **Оламга саёҳат**, 20.45 — Ахборот, 21.05 — Пахтакорларнинг меҳнат рапортлари, 21.20 — **Тожиддин Муродов** куйлайди, 22.00 — «Вақт», 22.30 — Беш йиллик илғорлари, 23.00 — МОСКВА. Ҳинд санъати усталарининг концерти.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

12.25 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари, 17.50 — МОСКВА, 17.55 — Янгиликлар, 18.00 — Концерт, 18.30 — Оптой учрашувлари, 19.00 — Ҳужжатли фильм, 20.00 — Тамбов область «Страна Советов» колхозининг раиси **М. Я. Осипов** билан матбуот конференцияси, 20.30 — Концерт, 20.55 — **Бонивурнинг қалби** (бадиий фильмнинг 2-серияси), 22.00 — Иқтисодий ислоҳот амалда, 22.30 — Спорт кундалиги, 23.00 — **Олтин дарвоза** (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари, 20.20 — Кўл тўпи бўйича СССР биринчилиги, 21.50 — Тошкент янгиликлари, 22.10 — **Данки еган эшон** (спектакль).

25 ОКТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

12.30 — МОСКВА, 17.55 — ТОШКЕНТ, 18.00 — Қўғирчоқ театри, 18.30 — Ҳур республикалар бўзилмас иттифоқи. **МАРДОВО АССР** (Москва), 19.00 — Музикали кўрсатув, 19.40 — Ахборот, 19.55 — МОСКВА, 20.25 — ТОШКЕНТ. Ахборот, 20.40 — **Назм ва наво**, 21.30 — МОСКВА. «Вақт», 22.10 — **Футбол:** «ДИНАМО» (Киев) — «ГУРНИК» (Польша).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари, 17.50 — МОСКВА, 17.55 — Янгиликлар, 18.00 — Буротино кўргазмаси, 18.30 — Адабий топишмоқ (Тошкент), 19.00 — МОСКВА, 19.55 — «Ўзбекистон чорвадори» (Тошкент), 20.25 — **Бонивурнинг қалби** (бадиий фильмнинг 3-серияси). 21.30 — ТОШКЕНТ, **Номаълум аёл** (опера), 22.10 — «Ёшлик» студияси кўрсатади, 22.50 — **«24.25» қайтмаяпти** (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.20 — Ўқув кўрсатувлари, 20.40 — **Улар биринчилардан эди** (бадиий фильм).

26 ОКТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

12.30 — МОСКВА, 17.55 — ТОШКЕНТ, 18.00 — Мультфильм, 18.10 — «Глобус», 18.40 — Ахборот, 19.00 — Фан ишлаб чиқаришга. (Олмаота, Фрунзе ва Тошкент телестудияларининг кўрсатуви), 20.00 — Миллионлар ленинча университети (Москва), 20.30 — Ахборот, 20.45 — «Шарқ юлдузи» журнали саҳифаларида, 22.00 «Вақт», 22.30 — Спорт программаси, 22.20 — **Мудҳиш хато** (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари, 17.20 — МОСКВА, 17.25 — Янгиликлар, 17.30 — Ҳужжатли фильм, 18.00 — Болалар учун кўрсатув, 18.30 — Оптой учрашувлари, 19.00 — Танишинг, лауреатлар, 20.00 — ТОШКЕНТ. «Здоровье», 20.30 — МОСКВА. Концерт, 21.05 — **Бонивурнинг қалби** (бадиий фильмнинг 4-серияси), 22.00 — ТОШКЕНТ, 23.20 — МОСКВА.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 — ТОШКЕНТ, 19.20 — Ўқув кўрсатувлари, 20.00 — Концерт, 20.30 — Кўл тўпи бўйича СССР биринчилиги, 21.45 — Концерт.

27 ОКТЯБРЬ, ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

12.30 — МОСКВА, 17.55 — ТОШКЕНТ, 18.00 — Ўқувчилар учун кўрсатув, 18.40 — Ҳужжатли фильм, 18.50 — Концерт, 19.10 — Ахборот, 19.20 — Халқ контроли экрани, 19.55 — Ахборот, 20.10 — Илғорлар даврасида, 21.30 — МОСКВА. «Вақт», 22.00 — Ҳур республикалар бузилмас Иттифоқи. **Туркманистон ССР**, 24.00 — Концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.50 — МОСКВА, 17.55 — Янгиликлар, 18.00 — Ватанимиз флоти, 19.00 — Қўшиқ ҳамроҳимиз, 19.45 — Ҳужжатли фильм, 20.10 — **Йўллар ҳам ҳар хил бўлади** (бадиий фильм), 21.30 — ТОШКЕНТ. Ёш ишчиларнинг меҳнат ветеранлари билан учрашуви, 22.30 — Мен чегарада хизмат қиламан, 23.20 — Ҳужжатли фильм.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари, 19.30 — **Она** (бадиий фильм), 21.10 — Тошкент янгиликлари, 21.30 — Классик музика саҳифаларида.

28 ОКТЯБРЬ, ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 — ТОШКЕНТ, 10.00 — Янгиликлар, 10.10 — Концерт, 11.00 — Москва, 11.05 — Янгиликлар, 11.10 — Мультфильмлар, 11.40 — «Здоровье», 12.10 — Ёшлар концерти, 12.40 — Фан ва маданиятимизнинг муҳим масалалари, 13.10 — **Чўртон балиқ амри билан** (бадиий фильм), 14.05 — Ҳужжатли фильм, 14.30 — Музикали турнир, 15.30 — **Ҳайронот оламида**, 16.30 — ТОШКЕНТ, 16.35 — Экранда — Наманган область пионер ва ўқувчилари, 17.30 — Музикали кўрсатув, 18.00 — Социализм дунёси (Москва), 18.30 — Ахборот, 18.50 — Ўн минут музика, 19.00 — Ёзувчилар — пахтакорларга, 19.35 — Ахборот, 20.00 — Республика областларининг телефестивали. **Наманган области**, 22.00 — «Вақт», 22.30 — **Оталар сўзи — ақлнинг кўзи**, 23.30 — **Совет Иттифоқи элчиси** (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

10.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари, 18.00 — Янгра, барабан! 18.30 — МОСКВА. **Е. Винокуров** шеърлари, 19.50 — **Паролнинг ҳожати йўқ** (бадиий фильмнинг 1-серияси), 20.00 — **Хоккей:** СКА — «ДИНАМО», 22.15 — Кўча ҳаракати хавфсизлиги учун (Тошкент), 22.45 — Концерт.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.50 — ДУШАНБА.

29 ОКТЯБРЬ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.25 — ТОШКЕНТ, 9.30 — Янгиликлар, 9.40 — Мультфильм, 10.10 — Музикали кўрсатув, 10.30 — Қувноқлар даврасида, 11.00 — МОСКВА, 11.05 — Янгиликлар, 11.10 — «Будильник», 11.40 — Музикали коска, 12.10 — Мультфильмлар, 12.40 — Адабий учрашувлар, 13.30 — Телефильм, 14.15 — Қишлоқ янгиликлари, 15.15 — **Телеминиатюралар**, 16.00 — Совет Армияси ва Флоти жангчилари учун кўрсатув, 16.30 — **Киносаёҳатчилар клуби**, 17.30 — ТОШКЕНТ, 17.35 — Телефильм, 18.00 — Ахборот, 18.20 — **Туғилган кунинг муборак, комсомол!** 19.40 — Ахборот, 20.00 — **МАРҲАБО, ТАЛАНТЛАР** (Сирдарё области), 22.00 — «Вақт», 22.30 — Пахта усталари минбари, 22.45 — Севимли кино артистлари. **Ҳамза Умаров**, 24.00 — **Футбол:** «ЗАРЯ» — «ТОРПЕДО».

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

9.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари, 17.30 — МОСКВА, 18.15 — Ҳужжатли фильм, 18.30 — **Паролнинг ҳожати йўқ** (бадиий фильмнинг 2-серияси), 20.00 — **Футбол:** «ЗАРЯ» — «ТОРПЕДО», 21.45 — Концерт, 22.00 — Телефильм, 22.30 — Эстрада концерти.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

16.30 — ФРУНЗЕ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — **Телеминиатюралар**. 10.50 — Телефильм. 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.10 — Мультфильмлар. 11.40 — Музикали киоска. 12.10 — **Футбол:** «СПАРТАК» — «ҚАЙРАТ». 13.00 — Концерт. 16.35 — ТОШКЕНТ. 16.40 — Бадиий фильм. 17.10 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 18.00 — МОСКВА, **Футбол:** ЦСКА—«ДИНАМО» (Тбилиси). 19.45 — ТОШКЕНТ. Қувондиқнинг шодлиги. 20.15 — Ахборот. 20.30 — Аҳолига кўплаб товарлар. 20.50 — Ахборот. 21.10 — Хоразм қуйларидан концерт. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Пахта йиғим-терими илғорларига Қизил байроқлар. 22.40 — Фильм-концерт. 23.25 — **Пахта бойлигимиз** (ҳужжатли фильм). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 16.35 МОСКВА. **«Сатурнга йўл»** (бадиий фильмнинг 1-серияси). 18.00 — ТОШКЕНТ. «Физкультура ва спорт». 18.40 — **Ромео менинг қўшним** (бадиий фильм). 19.45 — МОСКВА. 22.00 — ТОШКЕНТ. 22.30 — МОСКВА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.45—ДУШАНБА.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 21/X да **Русалка**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/X да **Парвона**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Куч аттракциони** — ака-ука **Новаклар**. Постановкачи жаҳоннинг экс-чемпиони, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери, РСФСРда хизмат кўрсатган артист **Г. Новак**.

КИНО

ҚИШКИ ЕИНОДА

Ҳайвон ва болаларга раҳм қил — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Жаннат излаб — «ЎЗБЕКИСТОН», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун). «СПУТНИК» (эрталаб соат 11 да, кундуз соат 1 да, кеч соат 9 да).

Менинг исмим — масхарабоз — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ», «КУКЧА», ҲАМЗА номли, НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (кундуз соат 3 да, кеч соат 7.15 минутда), «СПУТНИК» (кундуз соат 12, 3, 5 да, кеч соат 8 да).

Полиция комиссарининг республика прокурорига иқрори (кундуз ва кечқурун). **Оловнинг бўйсундирилиши** (кеч соат 8 да) — «ЧАЙКА».

Ўғирлик (кундуз ва кечқурун). **Комедиантлар** (кундуз соат 12, 4 да ва кеч соат 8 да) — «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ».

Агар сен эркак бўлсанг — (кундуз соат 12, 5 да, кеч соат 7 да). **Соҳибжамол малагим** (кундуз соат 2, кеч соат 8.30 минутда) — «МОСКВА».

Бу телба дунё — «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

РЕСПУБЛИКА РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

тайёрлов бўлимига 1972—1973 ўқув йили учун

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ишчилар, колхозчилар ва СССР Қуролли Кучлари сафидан демобилизация қилинганлар қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кирадиган кишилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари зарур: ариза, тайёрлов бўлимига кириш учун йўлланма, ўрта маълумоти тўғрисида ҳужжат (асл нусхаси), иш жойидан характеристика, 3X4 см. ҳажмида 6 дона фотосурат (бош кийимсиз олинган), соғлиғи тўғрисида медицина справкаси (286-форма), корхона ёки муассаса, колхоз раҳбарлари имзолаган меҳнат ва колхоз дафтарчасидан кўчирма.

Тайёрлов бўлимининг тингловчилари стипендия билан таъминланадилар. Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхона берилади.

Аризалар 25 ноябргача қабул қилинади.

Ўқиш муддати 1972 йил 1 декабрдан 1973 йил 1 августгача.

Мурожаат учун адрес: Тошкент-100, Литературная кўчаси, 4-уй.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР эълонлар—338142 коммутатор — 330249 дан 330258 гача.

Б. — 248. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64697. Р. 02660.